Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 24 июль, шанба • № 85 (24.480).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Кураш жаҳон ёшларини ром этмоқда

Англияда 1 миллиондан ортиқ нусхада чоп этиладиган ва 120 дан ортиқ давлатга тарқатиладиган «TOTAL SPORT» журналида «Кураш жаҳонни қамраб олмоқда» сарлавҳаси остида бир неча саҳифали туркум мақола ва суратлар эълон қилинди. Тошкентда ўтказилган Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатига бағишланган бундай чиқиш миллий кураш — миллий ифтихор бўлиб турган қизиқарли спорт турининг тобора оммавийлашиб бораётганидан нишонадир. Умуман, халқаро Кураш ассоциацияси бугунги кунда 70 дан ортиқ мамлакат билан алоқа ўрнатган. Айниқса, Осиё, Европа ва Жанубий Америкада курашга қизиқиш катта. Полвонларимизнинг Хитойнинг Сичуан вилояти маъмурияти таклифига кўра дўстлик учрашувида иштирок этишлари ҳам диққатга сазовордир. Голландия, Польша, Греция, Боливия, Канада , Бразилия ва Парагвайда Кураш федерацияларининг таъсис этилиши, айниқса, Жанубий Америка мамлакатлари кураш конфедерациясининг тузилиши ўзбекона беллашувнинг курраи замин бўйлаб собит қадам ташлаётганидан дарак беради. Эндиги вазифа курашнинг олимпиа спорт турлари рўйхатига киритишдан иборат. Бунинг учун юртимизда ва бошқа мамлакатларда хотин-қизларни кураш билан шуғулланишга жалб этиш лозим бўлади.

Куни кеча Тошкентдаги Миллий матбуот марказида уюштирилган йиғилишда Халқаро Кураш ассоциациясининг президенти Комил Юсупов ана шулар ҳақида сўзлади. Унинг фикрига қараганда, яқин орада 28 мамлакатда кураш тақдимотини ўтказиш кўзда тутилмоқда. Йиғилишда сўзлаганлар ва мухбирларнинг саволларига жавобларда эътироф қилинишича, курашнинг бундай ривожланиб оммавий тус олиши мамлакатимиздаги барқарорликдан экани таъкидланди. Жаҳон бўйлаб курашнинг ривожланиб бораётганлигини таъкидлаётган мутахассислар эса курашни XXI аср спорти деб баҳоламоқдалар.

Ҳайдар НОСИРОВ

Қаршида янги «Сайлгоҳ»

Юртбошимиз жанубий вилоятларга сафардари чоғида шаҳарсозлик, меъморчиликнинг долзарб масалаларига эътиборни қаратган эдилар. Бундай муаммолар Қашқадарё вилоятида ҳам мавжуд. Фақатгина Қарши шаҳрида бош қурилиш режасига қатъий амал қилинмоқда. Айниқса, эски шаҳар мавзесида қурилаётган «Сайлгоҳ» мажмуи ўзига хос кўринишга эга бўлади. Мажмуа марказида амфитеатр қарор топади. Иссиқ иқлимни фавворалар юмшатиб туради. Фавворалар ўртасида иккита сунъий оролча бунёд этилади. Оролчаларда салқин тутувчи ичимликлар, музқаймоқлар сотувчи кафе-барлар вужудга келади. Дам олиш учун ҳамма шароитлар ҳозирланади. Маиший хизмат тармоқлари яратилади. Қурилишга бир қанча йирик ташкилотлар жалб этилган. «Қаршиқурилишсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси шулардан бири бўлиб, қарийб 120 миллион сўмлик ишни бажаради. Айни кунларда «Сайлгоҳ» мажмуини яратиш жадал давом этмоқда. Қурилиш мустақиллик байрамигача тугалланади. Қаршиликлар янги оромгоҳ хизматидан баҳраманд бўладилар.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ташаббус гуруҳ мажлиси

Самарқандда Маънавият ва маърифат республика кенгашининг вилоят бўлимини тузиш бўйича ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, аҳолини, айниқса ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш ғоят муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидладилар. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида айнан миллий истиқлол мафкурасини, маънавиятни ривожлантириш, кучли миллий ғояга асосланган сиёсат юритиш зарурлиги кўрсатиб ўтилганлигига эътиборни қаратдилар.

Айни вақтда бу борада амалга оширилаётган ишларда миллий мафкурамизга ёт ғояларни тарғиб этишга уринаётган айрим бузғунчи кучларга қарши кураш олиб борадиган барқарор тизим шакланмаганини, маънавий-маърифий ишлар кўпинча тарқоқ ҳолда олиб борилаётгани, самараси эса етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Шуни назарда тутган ҳолда вилоятда маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида маърифатчилар, жамоат ташкилотлари ва матбуот ходимларидан иборат ташаббус гуруҳи тузилмоқда. Жойларда мафкуравий ва тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш ҳамда мувофиқлаштириш мазкур гуруҳ фаолиятининг асосий йўналиши бўлмоғи даркор.

Мажлисда Маънавият ва маърифат вилоят кенгашининг ташкилий гуруҳи таркиби тасдиқланди, республика кенгаши таъсис конференциясига делегатлар сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Азамат Зиё мажлисда сўзга чиқди.

Ҳ. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири

Маънавият ва маърифат ишларига эътибор

Навоийда Маънавият ва маърифат республика кенгаши вилоят бўлимини тузиш бўйича ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлди. Уни вилоят ҳокими Ғ.Дилов олиб борди.

Мажлисда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида мамлакатимизда барча жабҳаларда жадал олиб борилаётган ислоҳотлар, жамиятимизни янгилаш йўлидаги изчил ҳаракатлар моҳиятини фуқаролар қалбига, онгига етиб борадиган даражада тарғиб қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

Бироқ, мазкур соҳада жойларда амалга оширилаётган маънавий-маърифий, тарғибот ва ташвиқот ишлари тор доирада қолиб кетаётганлигини кўрсатмоқда. Тадбирларни ҳисобот бериш мажбуриятидангина келиб чиққан ҳолда уюштириш, ёшлар билан мулоқотларнинг қуруқ насиҳатдан иборат бўлиб қолиши ҳоллари учрамоқда. Бу борадаги фаолиятни жонлантириш, тарғибот-ташвиқот ишларини юксак савияда ўтказиш тузилажак ташаббус гуруҳи аъзоларининг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи керак.

Мажлисда Маънавият ва маърифат Навоий вилояти кенгашининг ташкилий гуруҳи таркиби тасдиқланди, республика кенгаши таъсис конференциясига делегатлар сайланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Азамат Зиё сўзга чиқди.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири



Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Маънавияти мустаҳкам халқ қудратлидир

Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган демократик жараёнлар миллий истиқлол мафкурасини янада чуқурлаштириш ва кенг қулоч ёйдириши талаб этмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида таъкидлаганидек, қаерда мафкура соҳасида бўшлиқ пайдо бўлса, унинг ўрнини бизга ёт ғоялар эгаллаши тайин.

Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган Маънавият ва маърифат Сирдарё вилоят кенгашини тузиш ташаббус гуруҳининг мажлисида ана шу ҳақда гапирилди. Уни вилоят ҳокими Ў.Исмоилов олиб борди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда ижтимоий, маънавий-маърифий фаолиятни янада жонлантириш ва чуқурлаштириш мақсадида тузилажак кенгашнинг аъзолари жамоатчилик марказларига бевосита фаол ёрдам кўрсатишлари зарурлигини таъкидлашди. Зеро, келажак эгалари бўлган ёшларни миллий истиқлол ғояларига садоқат ва Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат ҳамда унинг буюк келажагига тўла ишонч руҳида тарбиялаш ҳозирги кундаги энг долзарб вазифалардан биридир.

Мажлисда Маънавият ва маърифат вилоят кенгашининг ташкилий гуруҳи таркиби тасдиқланди, республика кенгаши таъсис конференциясига делегатлар сайланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот тарғибот-таҳлил марказининг раҳбари С. Ҳакимов сўзга чиқди.

А. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири

Экология маданияти

Янги аср ворисларини маънавий баркамол, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш ҳар биримиздан экология маданиятини юксалтиришни талаб этмоқда. «Экосан» халқаро жамғармаси, республика «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда «Маънавият, экология ва саломатлик» мавзусида маслаҳат учрашуви ўтказди.

Маслаҳат йиғинида республика аҳолиси ва ёшлари орасида экологик-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасида «экосан»чилар жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича махсус қарор ва «Маънавият, экология ва саломатлик» Дастури лойиҳаларини кўриб чиқди.

— Халқ орасида, айниқса, ёшлар тафаккурида ижтимоий- экология, экологик-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бугуннинг энг долзарб муаммосига айланди, — дейди «Экосан» халқаро жамғармасининг раиси Юсуфжон Шодиметов. — Маълумки дунёдаги кўплаб халқаро ташкилотлар бу борада катта ёрдам беряпти. Зотан, қачонки ҳар биримиз ижтимоий-экология маданиятини чуқур англаб етмасак четдан берилаётган ёрдамлар вазиятни ўнглаб беролмайди.

Зеро, экологик-ҳуқуқий маданият савиясини юксалтиришга барчамиз сафарбар бўлмоғимиз керак.

Барно АЛИЕВА

Жиззахлик ғаллакорлар маррада

Жиззах вилояти ғаллакорлари мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллигига муносиб тўёна ҳозирладилар. Мамлакатга 246 минг тонна дон етказиб бердилар. Бу ўтган йилга нисбатан 13 минг тонна кўпдир.

Мавжуд ғаллазорларнинг 75 фоизи оилавий пудратчиларга, 25 фоизи фермер хўжаликлари деҳқонларига бўлиб берилганлиги эришилган зафарга муносиб замин ҳозирлади. Ҳосилни йиғиштириб олишда 128 та «Кейс», 507та Россия комбайнлари унум билан ишлади.

Ўрим-йиғимда маррага биринчилар қаторида етиб келган Дўстлик, Пахтакор туманлари карвонбошилик қилдилар. Бу ютуққа Мирзачўл, Зафаробод, Жиззах, Арнасой, Зарбдор туманлари муносиб ҳисса қўшдилар. Дўстлик туманидаги М. Дадажонов номли хўжаликнинг А. Холматов, Р. Алимқулов, Ш. Бўриев бошлиқ звеноларда ҳосилдорлик 41-47 центнерга етди. Жиззахлик ғаллакорлар ўрим-йиғимни давом эттирмоқдалар.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Лалми ернинг баракаси

Нурота тизма тоғлари бағрида жойлашган Пайариқ туманининг «Халқобод» ижара хўжалиги деҳқонлари лалми ерларда деҳқончилик қиладилар. Қақраган ерларда кетмон чопишнинг, жазирама иссиқда ўроқ ўришнинг ўзи бўлмайди. Ҳатто, «пўлат от» деб таърифланган тракторларни ҳам бундай ерларда осонликча бошқариб бўлмайди. Жиловни маҳкам ушлашга тўғри келади. Қанчалик қийин бўлмасин дашту адирларда ҳам ишлаш, пешонани терлатиш керак. Ерларни чуқур ҳайдаб уруғни меъёрида экиш лозим. Асл деҳқонларнинг эзгу мақсади шу. Лалми ерларда етиштирилаётган ғалла, тамаки, нўхот қовун-тарвузлар экологик тоза бўлганлиги боис чет элликлар ҳам қизиқиб қолишди. Хорижлик дўстларимиз ҳеч ўйлаб ўтирмасдан хўжалик ва фермерлар билан шартнома тузишни исташяпти.

«Халқобод»ликлар ўтган йиллари режани ошириб уддалай олмаган бўлсаларда, эл хирмонига анча-мунча сара дон тўкканлари ҳақиқат. Барибир, бир кунмас бир кун асл деҳқон ўз ниятига етади. Режа уддалаганники ҳисобми? Бас, халқободликлар ҳам уни дўндирмай қўймайдилар, айтсак-айтмасак бу йил лалми ғалла билан шуғулланаётган деҳқонлар учун осон кечмади.

— Ёшим 90 дан ошди. Ғаллани совуқ урганини кўрганим ҳам, эшитганим ҳам йўқ. Бу йил баҳорда, аниқроғи май ойининг охирларида ғаллани совуқ уриб кетди, — дейди накрутлик Аҳмад бобо Сатторов. — Энди нима қиламиз, аҳволимиз чатоққа дея маслаҳат сўраб келган ғаллакор бригадир ва фермерларга маслаҳатим шу бўлди: Оллоҳ мулкини бузмайди, осмондан ёмғирини албатта беради. Ўғитни маромида беринглар, ҳосилини саратонда кўрамиз. Тоғ ён бағирларида ғалла айни саратонда пишади. Шу боис дони тўқ, нони ширин бўлади.

— «Халқобод» ижара хўжалиги деҳқонлари 7 минг гектар ерга ғалланинг «Сурхак», «Қизил шаршара» навларини кеч кузда экканди, — дейди хўжаликнинг янги раҳбари Бахтиёр Эргашев. — Ҳаракатда баракат бўлади. Ғаллани совуқ урди дея қараб турмадик. Самолётда деярли барча майдонларга дори сепдик, ёмғир ҳам ёгди. Самарали меҳнат қилдик. Натижа ёмон эмас. П. Каримов, М. Умаров бошлиқ бўлимларнинг ғаллакорлари лалми майдонларнинг ҳар гектаридан 10-15 центнердан сара дон йиғиб олишмоқда. А. Қувонбеков, Й. Ибрагимов, А. Хешбоев каби комбайнчилар ҳар куни 10-12 тонна ғалла дони ўриб бераяптилар. Б. Тўрабеков, Н. Назаров ва Б. Ярашев каби шофёрлар дала ва омбор йўналишида жонбозлик кўрсатишмоқда. Улар 5260 тоннадик режани бугун-эрта ошиғи билан уддалаш арафасида турибдилар.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Иккала томон ҳам учрашув натижаларидан мамнун

Расмий Боку Арманистон ва Озарбойжон президентларининг Женевадаги учрашуви натижаларидан мамнун эканлигини журналистларга билдирди. Бу ҳақда Бокуда Озарбойжон ташқи ишлар вазири Тофиқ Зулфиқоров айтди. Унинг сўзларига кўра Озарбойжон томони ҳам, Арманистон томони ҳам Қорабоғдаги можарони тинч йўл билан ҳал этиш юзасидан Женевадаги музокараларни мамнуният билан кутиб олди. Т. Зулфиқоров Арманистон ва Озарбойжон президентлари шунга ўхшаш учрашувларни давом эттириш ҳақида келишиб олишди, деди. Шу йилнинг ўзида Ҳ. Алиев билан Р. Кочаряннинг учрашуви бўлиб ўтади. Ҳ .Алиевнинг ўзи эса Қорабоғ муаммосини барқарорлаштириш учун Европада ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ташкилотининг Минск гуруҳи ҳамраислари фаолроқ ҳаракат қилишлари керак, деди. Бу ҳақда Озарбойжон раҳбари Бокуда АҚШнинг Озарбойжондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стэнли Эскудеро билан учрашувда айтди. Ҳайдар Алиев ўтган ҳафтада Арманистон президенти билан Женевада бўлиб ўтган учрашувга баҳо бериб, бу музокаралар Қорабоғ муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш йўлида муҳим қадам бўлди, деди. Унинг айтишига кўра, Тоғли Қорабоғ муаммосини ўзаро келишувга эришмай туриб ҳал этиб бўлмайди. Ўз навбатида АҚШ элчиси ҳам бу учрашув натижаларидан мамнун эканлигини билдирди. С. Эскудеро АҚШ Арманистон—Озарбойжон муносабатларининг яхшиланиши учун ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканлигини айтди.

Қирол қасамёди куни

Бельгия қироллигида миллий байрам — қиролнинг қасамёд қабул қилган куни нишонланди. Бу сафар анъанавий ҳарбий парадда 18 НАТО мамлакати бўлинмалари иштирок этди. Фақат 19- мамлакат яъни Исландия ўз армиясига эга бўлмаганлиги учун ўзининг миллий байроғи билан иштирок этди. Байроқни қирол минбари ёнидан бельгиялик аскар олиб ўтди. Шундай қилиб Бельгия Шимолий Атлантика иттифоқининг 50 йиллик тўйи тантаналарини якунлади.

Француз аёли парламент раиси

57 ёшли француз аёли Николь Фонтэн Европа парламентининг раиси этиб сайланди. У янги чақириқ Европа парламентининг кеча Страсбургда бўлиб ўтган биринчи сессиясида уч номзод орасидан сайланди.

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

Ёз ёмғири

Кечга яқин ишхонадан чиққанимда ташқарида ёмғир ёғаётган эди. Бу ерни аллалайдиган, майсани уйготадиган баҳор ёмғири эмас эди. Бу тугаётган йил сўнггидаги куз ёмғирига ўхшамасди.

Устим юпун бўлгани учун бекатга етганимча ивиб қолдим. Ёзга, саратонга мослашган олам шаффоф ёмғир остида қолган эди. Юзимдан оқиб тушаётган ёмғир ёшларини артиб секин йўлга тушдим. Аммо ёмғир янада забтига олар, одамлар ҳар томонга пана жой излаб югурарди. Нимагадир ёмғирдан қочишга ҳаракат, сезги менда йўқолганди.

Мен бу ногаҳон ёмғирга ном излардим. Тўрт фаслнинг ичидан ҳам унга от топа олмадим. Бу ёмғир қандайдир ёқимли, сукунатни итқитиб ташлаган уйғониш, озодлик оҳангларига ўхшарди.

Ёзги туфлимдан сув ўтар, мен эса сеҳрли ёмғир бағрида сарҳушдек кетиб борардим. Унга исм излардим. Кўчада ёлғиз қолганим, атрофимдаги уйларнинг деразаларидан, кўпчилик менга ажабланиб тикилаётгани ҳам мени ёмғирни ташлаб кетишга мажбур қила олмасди.

Ўйлар ўртарди мени. Эсимни таниганимдан бери ёз фаслида саратонда ёмғир бу қадар йиғлаганини кўрмаган эканман. Тўғри баъзида тўртта ташлаб ўтарди. Лекин бу йил олам ўзгачами, билмадим. Исмсиз ёмғир кўп марта ёғиб ўтди. Қишлоқда одамлар бемаврид ёғаётган ёмғирнинг экинларга, меваларга таъсири тўғрисида куйиниб гапиришди. Лекин нимагадир менга бу гапларнинг аҳамияти йўқдек туюларди. Мен жазирама саратонда ёғиб ўтаётган исмсиз ёмғирни қўмсардим, уни соғинардим. Худди буни сезгандек ёмғир тез-тез ёғиб туришни унутмасди.

Уйга етиб борганимда устбошим ҳўл бўлган эди.

— Ёмғир тинишини кутишингиз керак эди, - деди ўртоғим.

— Ивиб кетибсиз, - деди қизим.

Мен кийимларимни алмаштириб, дераза ёнига борганимда ёмғир ҳамон ёғарди. Қандайдир куч, қандайдир истак мени ташқарига етакларди.

—Қаерга? — деди қизим.

— Ҳозиргина келдингиз, шамоллаб қоласиз, — деди ўртоғим.

— Сўзларимни ювиб келаман, — дедим.

— Тўхтанг, — деди қизим, — сўзларингизни ўзим ювиб бераман.

Қўлларида жажжи тоғора ушлаган қизим ортимдан эргашади. Сочлари ҳўл. Эҳ, қани эди қизим сўзларим сенинг ҳайратлар қотиб қолган кўзларингга сиғса эди. Ёмғир. Иккимизнинг устларимиз ҳўл.

Уйга қайтар эканман, ўйланиб қолдим. Бугун биз сўзларимизни покламоғимиз шарт. Бугун биз ўз-ўзимизни покламоғимиз зарур. Балким бу ёмғир шунинг учун ёғаётгандир. Балким қуёш нурларини четга суриб, уни ўраб олган абрлар уйғониш, англаш қуйларини чалишаётгандир. Балким бу исмсиз ёмғир ҳушсиз одамнинг юзларига сепилган сув мисоли бизни нажот йўлига етаклаётгандир.

Бугун миллат учун энг улуғ сўз — Истиқлолдир. Бугун миллат учун биргина нажот — Озодликдир. Ортга қайтилмайди. Олдинда Ватан байроғи ҳилпирайди. Эрк қушиқларининг гўзал уйғоқ оҳанглари бутун мамлакат бўйлаб кезиб юрибди.

Бугун ёғаётган ёмғир тозариш фаслидир. Ҳа, у исмсиз ёмғир эмас ёки табиат инжиқликлари ёки тасодифий ҳолат эмас. Бу ёмғир миллатни тозартиш, уйғониш фаслидир.

Фаррух ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Озодлик осмон қадар...

Инсон ўз эрки ҳақида, озодлиги, Ватани мустақиллиги тўғрисида нима дейиши мумкин? Агар бу улуғ туйғудан дили ёришган эрса, у тўлқинланади, жуда узоқ гапирмаслиги мумкин, лекин тоза ва ҳалол сўзни айтади. Чунки Истиқлол осмон қадар. Уни англаган Инсонлар эса тобора юксалиб боради.

Президент ишончини оқлайлик!

Абдуғаффор АҲМЕДОВ, Сариосиё туманидаги «Дашнобод» жамоа хўжалиги раиси

— Озодлик кишига Инсон бўлиб яшаш имконини беради. Ҳар биримиз ўзимизга мен ким эдим, бугун ким бўлдим, деган саволни берсак, кечаги, тўс-тўполонли кунлар билан бугун орасидаги тафовутни, зулмат билан ёруғликнинг фарқини англаймиз.

Атрофингга бир қара, Сен бугун ўзинг-ўз Ватанинг учун ишлаяпсан, шу Ватанни қўлдан бой бериш, Истиқлолни, бугунни... ҳамма-ҳамма азиз ишларимизни йўқотиш билан баробар, деган талабни қўйиб яшашимиз керак.

Ўзбекистон битта! Ва, ҳаммамизнинг борур йўлимиз, манзилимиз тайин — ёруғ келажак.

Юртбошимизни қўллаб-қувватласак, у кишидан ўрнак олсак, ўзаро аҳил бўлиб шу юрт гуркирашига ҳисса қўшсак, бизни Яратганнинг ўзи қўллайди.

Ватан Озодлиги ҳар нарсадан устун. Катта-кичик раҳбарлар, жойлардаги ҳокимлар қўл остидаги ходимлар билан бир ёқадан бош чиқариб ишласалар, Ватан манфаати ҳар биримизнинг манфаатимиздан юқори эканлигини ҳис қилиб, меҳнат қилсалар, тилимиз билан ишимиз бир бўлса, халққа ёлғон сўзламасак, ўз нафсимиз қурбонига айланмасак, ўйлайманки, биз Президентимиз ишончини оқлаймиз. Шундагина Озод юртга содиқ фарзанд бўлиб, истиқлолни қўлдан бермаймиз.

Хорижда ўқимоқчиман...

Масрур ЭШМАТОВ, Тошкентдаги 200-мактабнинг 9-синф ўқувчиси

— Яхши баҳолар билан мактабни тамомлаш ниятидаман. Математикага қизиқаман. Орзуим — хорижий давлатларда таҳсил олиш. Чунки, ён-веримиздаги, мендан олдин мактабни битирган акаларим чет мамлакатларда ўқишаяпти. Ҳатто, улар билан хорижга борган чоғларида Президентимиз ҳам учрашдилар. Телевизорда кўрдим. Ўшанда дадам ғурурланиб, болам, бу Озодликнинг шарофати, Президентимиз томонидан ёшларга кўрсатилган улуғ иъном, сен ҳам яхши ўқишинг керак, дедилар.

Дадамнинг сўзлари амалга ошиши фақат ўзимга, саъй-ҳаракатимга боғлиқлигини тушиниб етдим. Худо хоҳласа, зўр ва ажойиб одам бўлиб, юртимизга хизмат қиламан, Президентимиз истаган кадр бўлиб, истиқлолимизни мустаҳкамлашда бор кучимни сарфлайман.

Одамлар дилида ишонч бор

Норбой САКСОНОВ, Каттақўрғон туманидаги «Андоқ» жамоа хўжалиги чўпони

— Эй, кўп даврлар ўтди. Биз кабилар адирма-адир, қирмақир юрганимиз билан замоннинг кетишини билиб турардик. Шу десангиз, чекка қишлоқлар, одамларнинг аҳволи билан ҳеч ким қизиқмасди... Дилингдагини бировга айтолмасдинг.

Бугун оддий одамларнинг тилидаги гапни Юртбошимизнинг ўзлари катта-катта минбарларда айтяптилар. Халқ фаровон яшасин, қишлоқлар обод бўлсин, у ердаги раҳбарлар бу масала билан жидий шуғулланинглар, сизлар бекорга мансаб курсисида ўтирганларинг йўқ, халқнинг эътирози бўлса, демак, сизлар яхши ишламаяпсизлар, деган гапларни дангал гапираяптилар.

Мустақиллик туфайли одамлар кўнгли хотиржам. Ишонч бор. Президентимизнинг ҳар бир даъвати дилимиздаги гап. Айниқса, у кишининг ёшларимизга кўрсатаётган ғамхўрлигидан мамнунмиз.

Қўчқор НОРҚОБИЛ ёзиб олди.

Сургун

Собир Мўминовнинг саъй-ҳаракати билан ёзиб олинган хотиралар орасида бундан тўрт йил муқаддам вафот этган Раҳимжон Далиевнинг қисматномаси унча-мунча кўргиликларни писанд қилмайдиган кишиларни ҳам эзиши ҳеч гап эмас.

«Отамни нима учун сургун қилишганини билмайман, — деган у. — Маҳалламиздаги кексаларнинг айтишларича, отам ўртаҳол деҳқон ҳам бўлмаган. Ерининг бир қисмига пахта эккан. Бир қисмини корандаларга берган. «Хўжалигида чоракор ишлатди, ишчи кучидан фойдаланди», деган сабаблар билан отамни оиласи билан Украинага сургун қилишган. 1933 йилги очарчилик даврида отаонам вафот қилиб, ёлғиз ўзим қолганман.

Мени бир аёл ўзига фарзанд қилиб олмоқчи бўлган. Бироқ, маҳаллий раҳбарлар мени Каховкадаги болалар уйига юборишган. У ердан Новая маячкага жўнатишган. Урушгача ўша ерда тарбияланганман.

Уруш бошлангач, болаларнинг бир қисмини уйларига тарқатиб юборишди. Бизларни эса, от-аравларда мамлакат ичкарисига эвакуация қилишди. Бир ҳафта юриб, Мелитополь шаҳри яқинига келдик. Шаҳарни фашист самолётлари бир неча марта бомбардимон қилишиб, култепага айлантиришган экан. Бизлар катта қийинчиликлар билан у ердан поездга ўтириб, Сталинград орқали Астраханга келдик.

Шаҳидлар хотираси

Ўша ердаги болалар уйига жойлашдик. У ерда ўсмирларни ФЗУга, ўқишга олишди. 1944 йил 6 майда Тошкентга келдим. Қаерга боришни билмай, бир ҳафтагача милиция бўлимида тунадим. Бир куни милиция ходимларидан бири: «Отанг яшаган маҳалладаги бирорта белги эсингда қолганми?» деб сўради. Маҳалла кўчасидан чиқаверишда симёғочда радиокарнай борлиги эсимга тушди. Шунда милиция ходими мени Кўштут маҳалласига юборди. Борсам, ҳақақатан ҳам симёғочда радиокарнай турибди. Ўша ерда кичкина ариқ оқарди. Отам билан ўша ердан ўтганимда калишчам сувга тушиб кетганини эсладим. Уч-тўрт хонадонга кириб, опамни ва акамни сўрадим. Аёллардан бири Каримберди акамни танир экан. (Акам урушда ҳалок бўлган эканлар.) Бошқа бир аёл опамни топиб келди. Қий-чув, йиғи-сиғи кўтарилди. Опамнинг уйларига олиб борди. Почтам заргарлик билан шуғулланар экан. Мени ҳам шу ҳунарга ўргатди. 42 йил шу соҳада ишлаб, 1983 йили нафақага чиқдим. Уч ўғлим, уч қизим, 24 та набирам бор. Худога минг қатла шукр, шу кунларга етказганига. Турмушимдан нолимайман. Бироқ ота-онамнинг ҳоки ўзга юртда қолиб кетди. Уларнинг қаерга қўйилганини билмайман...»

Каховкалик ўзбеклар сафи ушбу лавҳада тилга олинган кишилар билангина тугамайди. Шубҳасиз, уларнинг бир қисми 1933 йили Украина бўйлаб очарчилик қуюни кўтарилганида ота-оналари билан бирга қирилиб кетган. Яна бир қисмини уруш ютган. Алишер Шодмонов сингари ота-онасиз, аросат даштида қолган болалар эса, мусофирлик тақдири билан муроса қилиб, эҳтимол, ҳали ҳам ўзга юртларда яшаб келаётгандирлар.

1

Собир Мўминов ўзининг фожиали ҳаёти давомида кўплаб қийинчиликларни кўрган, кўплаб даҳшатли воқеаларнинг гувоҳи бўлган, эҳтимол, шунинг учундир она юртида кечаётган осуда ҳаётини тақдирдошларини излашга бағишлаган, улар ҳаётидан, дарду аламларидан хабардор бўлишга ва имкони бўлса, уларга мадад беришга уринган кишидир. Бу ғоят ҳокисор, камгап инсон мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси қароргоҳига кириб келганида ўзи ҳақида қарийб ҳеч нарса демай, беш-олти сурат-у «Туркистон» газетасида эълон қилган мақоласини қолдирганда, кетган. Аммо, ўйлаб кўрсам, мен биринчи навбатда ҳурматли муштарийларни бу ажойиб, жафокаш ва жабрдийда инсон билан таништиришим лозимга ўхшайди. Яхшиямки, у ўзи тўғрисида бир оғиз ҳам сўзламаган бўлса-да суратлар орқасига баъзи бир сўзларни ёзиб қолдирган ва шояд шу сўзлар асосида у ҳақда муштарийларга озмию кўпми тасаввур берсам.

Суратдаги Йўлдош отанинг икки томонида турган кишилар унинг Раҳимжон (ўнг томонда) ва Каримжон деган фарзандлари. Собиқ қулоқ (муштумзўр) лар 1946 йили гарчанд сургундан қайтган бўлсалар-да, уларга она қишлоқларида қариндош-уруғлари билан бирга яшаш бахти берилмаган. Улар манглайига босилган «қулоқ» деган тамға узоқ вақтларга қадар бу кишиларнинг эминэркин яшаш ва нафас олишларига имкон бермаган. Шунинг учун ҳам улар она юртдаги ҳаёт йўлларини Бекобод шаҳри яқинида қурилаётган Фарҳод канали қурилишида давом эттирганлар.

Раҳимжон Мўминов Собир Мўминовнинг отаси бўлиб, 1919 йили туғилган. У отаси ва бобоси билан бирга Скадовск туманидаги пахтачилик совхозида ишлаш билан бирга шу тумандаги ўрта ўзбек мактабида таҳсил ҳам кўрган. Раҳимжон ака 1936-1937 ўқув йилида шу мактабни битириб, Тошкентга келган ва бу ердаги педагогика билим юртини тугатгач, яна Херсон вилоятига қайтиб борган. Урушгача бўлган даврда бошланғич мактабларда муаллимлик қилган.

Собир Мўминов тақдирдош ватандошлари изини ўзбек диёридангина ахтармай, Херсон вилоятининг турли туман ва қишлоқ кенгашларига ҳам хат билан мурожаат этиб, улардан қимматли маълумотларни олиб туради. Херсон вилояти Скадовск туманига қарашли идоралардан олинган бир ҳужжатда Ищенск қишлоқ кенгаши ҳудудларига Ўзбекистондан қулоқ қилиб юборилган оилаларнинг қуйидаги рўйхати қайд этилган. Мана, ўша ҳужжат:

«1. Аҳмедова Тожи, 1905 — оила бошлиғи;
ўғли, Аҳмедов Болтавой, 1939;
онаси, Аҳмедова Санам, 1881;
эри, Аҳмедов Қосим, 1902.
2. Умархўжаева Ойша, 1888 — оила бошлиғи;
Умархўжаева Зумрад, 1930.
3. Умархўжаева Каромат, 1882 — оила бошлиғи;
ўғли, Умархўжаев Рашид, 1928;
ўғли, Умархўжаев Турғун, 1930.
4. Хайруллаева Мақсуда, 1908 — оила бошлиғи;
қизи, Хайруллаева Мубор, 1940.
5. Ёқубова Мақсуда, 1905 — оила бошлиғи;
Биргина Ищенск кенгаши ҳудудида шунча ўзбек оиласи яшаган. Агар бу рўйхатдаги сўнгги тўрт нафар оила бошлиғининг аёллар эканига эътиборни қаратсак, уларнинг турмуш ўртоқлари 1933 йил очарчилигида вафот этган, деб тахмин қилиш тўғри бўлади.

2

2-суратда Скадовск туманидаги ўзбек ўрта мактабини битирган ёшлар акс эттирилган. Агар 1936-1937 ўқув йилида бу мактабни ўн олти нафар ўқувчи тугатган бўлса, орадан бир йил ўтгандан сўнг ундан йигирма нафар ўқувчи учирма бўлган. Тахмин қилиш мумкинки, бу рақам 1941 йилга — иккинчи жаҳон уруши бошлагунга қадар муттасил равишда ўсиб борган.

Мажруҳ этилган тақдирлар

30-йилларнинг бошларида Ўзбекистондан Украина даштларига кўчирилган қайси бир оилани олманг, уларнинг ҳатто урушдан кейинги йилларда ўз ватанларига қайтганларига қарамай, хонавайрон этилганини кўрасиз. Шу кунларда мустамлакачилик йилларидаги қатағон бўйича тузилган комиссия номига келаётган аризаларнинг катта бир қисми худди шу пароканда этилган оилаларнинг барҳаёт аъзоларига мансубдир. Уларнинг кўз ёшлари билан ёзилган хат ва аризаларини ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас.

Мана, менинг қўлимда Андижоннинг Қўшариқ даҳасида яшовчи Дадахонов Абдурасулнинг хати. Абдурасул Каховкада туғилгани ва рус мактабларида хат-саводини чиқаргани учун ўзбек тилида ёзиш маданиятини мутлақо билмайди. Шунинг учун ҳам унинг хатидан бирор бир парчани ушбу мақолада келтиришнинг иложи йўқ. Бинобарин, қуйида унинг хатига таянган ҳолда бу бечора оила бошига тушган савдоларни мухтасар бир тарзда баён этмоқчиман.

1931 йили андижонлик Дадахожи Отахонов манглайига «муштумзўр» деган тамға урилиб, у хотини Хосиятхон, тўрт ўғли ва икки қизи, шунингдек катта ўғли Абдурашиднинг ҳали келинчаклик либосини ечмаган ёри Саодатхон билан бирга сургун қилинади. «Қизил вагон»га туёқли моллар сингари зўрлаб туширилган оила бир ой давомида минг хил азоб билан Херсон вилоятининг Каховка туманига қарашли Сергеевка қишлоғига етиб келади. Улар тушган жой Украинанинг чўл зонаси бўлиб, кимсасиз уйлар — хаталарга эндиэнди ўзбек, қозоқ, тожик, татар «муштумзўр»лари кира бошлашган эди.

Дадахон ҳожи украин қишлоғига етиб келиши билан, кўп ўтмай, бандаликни бажо келтирди. Ўз юртининг обрў-эътиборли кишиларидан бўлган ҳожи тақдирнинг бу даҳшатли ўйинини «ҳазм» этолмади.

Ҳаёт — аломат нарса экан. Инсон қанчалик қийинчилик ва азоб-уқубатлар ичида яшамасин, яшашда, ишлашда, авлод орттиришда давом этаверади. Абдурашид ака ҳам ҳаётнинг ана шу табиий оқимига тушиб, кетма-кет учта фарзанд кўрди. Дастлаб Анвар, кейин Раъноҳон, 1937 йил декабрида эса Назирахон туғилди. Аслида, уларнинг қачон туғилганини ҳеч ким билмайди. Фақатгина Назирахоннинг Олий Советга ўтказилган биринчи сайлов арафасида туғилганигина маълум.

1941 йили Херсон вилоятида ғалла мўл бўлди. Буғдой экилган олтиндек далалар шовуллаб тебраниб турган бир пайтда, кўққисдан велосипед, мотоцикл ва автомашинага мингашган немислар пайдо бўлди. Анвар хата олдида юрган бўлса-да, немислар унга зарар етказмай, ўтиб кетишди. Лекин ўша кунлари касалхонада даволанаётган Адолат аммаси бошқа касталар билан бирга, немислар томонидан отиб ташланди.

Наим КАРИМОВ, мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича республика комиссияси раиси

(Давоми бор)

2

(Давоми. Боши ўтган сонда)

3

Халқ меҳрини қозонсак бўлди

«Ўзуйжойжамғарма банк» Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Шуҳрат Умиров билан суҳбат

Бугун юртимизда жуда кўплаб банклар фаолият кўрсатаяпти. Уларни ҳар бирининг ўзига хос ўрни, йўналиши, иззат-обрўси мавжуд. Ва, барча банкларнинг бош вазифаси эса мижоз тўплаш, улар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш. Хўш, бу борада «Ўзуйжойжамғармабанк» Қашқадарё вилояти бўлимида аҳвол қандай? Бу ҳақда «Ўзуйжойжамғармабанк» вилоят бўлими раҳбари Шуҳрат Умиров билан суҳбат қурдик.

— 1998 йилда банкимиз томонидан Қарши шаҳрида 40 та хонадонга мўлжалланган уй қурилди. Бу йилда эса 15 та хонадон жойлашуви кўзда тутилган уй қурилиш давом эттирилаяпти, — дейди у. — Шунингдек, 32 та хонадон учун Қарши шаҳри марказида бунёд этилажак уйнинг лойиҳа ишлари амалга оширилаяпти. Мазкур уйларнинг бари замонавий тусда, жаҳоний андозаларга мосу хос равишда қуриб битказилади.

— Банкнинг мижозлар билан иш олиб боришидаги масалага ойдинлик киритсак?

— «Уйжойжамғарма» банкида ўз ҳисоб рақамига эга 800 та корхонанинг 44 фоизи, яъни, 355 таси кичик бизнес корхоналари ҳисобланади. Банкнинг вилоятда кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришдаги ўрни беқиёс, десам, нокамтарликка йўйманг. Мижозлар билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, уларнинг фаолиятини чуқур ўрганаяпмиз. Шундан сўнг, икки томонлама бажарилиши лозим бўлган ҳужжатлар билан боғлиқ ишлар амалга оширилади.

1998 йилда 79 миллион сўмлик, 1999 йилнинг 6 ойи мобайнида эса 93 миллион сўмлик кредит ажратилди. Бу, албатта вилоятимизда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлигидан далолатдир.

— Ушбу ажратилган кредит қайси йўналишга сарфланаяпти?

— Ажратилган кредит ҳисобидан кичик бизнес корхоналари воситачилигида аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган турли-туман озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари келтирилмоқда.

— Банкда нақд пул тушуми қай даражада?

— Нақд пул тушуми ҳисобидан пенсия ва иш ҳақи ўз вақтида тўланаяпти. Пенсионерларимиз нафақа пулини ҳар ойнинг дастлабки ҳафтасида ойма-ой, узлуксиз олишмоқда. Пул тушуми ва эмиссия кўрсаткичлари ўз вақтида бажарилаяпти.

— Банк томонида моддий маблағ билан таъминланаётган йирик ҳажмдаги корхоналар мавжудми? Шу томонга эътибор қаратсак...

— Албатта. Мамлакатимиздаги йирик қурилиш объектларидан бири бўлган Шўртан кимё комплексида ишлаётган «Вилоятжамоақурилиш» трестига қарашли ҳамма ташкилотлар, «Алоқаинвест» ҳиссадорлик жамияти, 2-механизациялашган кўчма колоннаси, Таллимаржон ГРЭСидаги қурилиш ташкилоти, Республика коммунал вазирлигига қарашли вилоятдаги барча ташкилотлар шу жумладан вилоят алоқа тармоғига ҳам хизмат кўрсатиб келмоқдамиз.

Вилоятимиздаги «Ғулом ота», «Шаҳбоз», «Сано» «Тўра Асқар», «Роҳат», «Мусин Абдулло» сингари ўрта ва кичик бизнес корхоналари фаолиятидан халқимизнинг мамнунлиги ҳам банкимиз томонидан амалий ишлар қилинаётганини кўрсатиб турибди. Ушбу корхоналар аҳоли талаб-эҳтиёжини кўнгилдагидай қондириш асосида банк билан доимий ва ишончли ҳамкорликни йўлга қўйганлар. Бундан ташқари, Президентимизнинг «Кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни бунёд этиш кўзда тутилган. Бу масала чет эл инвестициялари ёки банкнинг узоқ муддатли кредитлари ҳисобидан амалга ошади. Мисол учун, «РАТО» масъулияти чекланган жамият Швециянинг «W-S Engineezing LTD» фирмаси билан пахта ва унинг қолдиқларини қайта ишлаб медицина ва гигиеник гидрофилланган пахта ишлаб чиқариш заводини қуриш лойиҳаси республика уй-жой жамғарма банки мутахассислари томонидан кўриб чиқилмоқда. Лойиҳага кўра завод қурилишининг умумий баҳоси 4500,0 АҚШ долларини ташкил қилади. Умумий қуввати — соатига 120 килограмм пахта ёки пахта қолдиқларини қайта ишлашга мўлжалланган.

— Истиқлолимизнинг 8 йиллик қутлуғ тўйи яқинлашиб келаяпти. Банк мижозлари ва халқимизга тилакларингиз?

— Улуғ сарбон бошлаган карвонимиз тобора нурли манзиллар сари илдамлаяпти. Ниятим, юртимиз гуллаб яшнасин, ҳар соҳада эркин ишлаш, ижод қилиш имконятини яратган Президентимизнинг боши омон бўлсин, биз — банк соҳасининг ходимлари эса ҳар доим элимиз хизматида бўлайлик. Юртимизда тинчлик мангу давом этсин.

Суҳбатдош Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли.

Табаррук инсон

Меҳнат завқини ҳис этиш, рўшнолик йўлида саъй-ҳаракат қилиш, бола-чақа орттириб, невара-чеваралар даврасида ўтириб табаррукликни кўнгилга туйиш ҳар бир мунис онахону, нуроний отахон учун эзгулик бўлиб келган. Нуроний отахонлар сўзларида ҳикматнинг бисёрлиги, уларнинг феъларидаги кенглик ва серҳимматлик ҳамиша ёшларимиз эътиборини тортади. Зеро, чеҳраларидан нур ёғилиб турган оқсоқолларнинг ўйчан, лекин камгаплик билан сўзлаган ҳар бир сўзлари ўзига хос дуру-гавҳар эканини кўпинча сезмай қоламиз.

Абдуфаттоҳ ҳожи ҳам умр бўйи камтарона умргузаронлик қилиб келмоқда. У ўша манқурт дамларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, тили билан дили бир инсонлар сафида собит турди.

Ёшу қарини қувонтириб, завқлантирадиган томони эса бу кишининг ҳамон фаоллик билан савобли ишларга камарбаста эканида. Ҳануз мухбирликка ошуфталар. Ваҳоланки ёшлари 90га келиб, қўлларига қалам олганларига 40 йилдан ошибди. Бир пайтлар «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида агрономлик қилардилар. У кишининг газетага чиқишлари ипак қурти боқиш билан боғлиқ «маслаҳат»дан бошланган. Кейинчалик газета обунасида жонбозлик кўрсатганлар.

— Ҳамон ёдимда, — деб хотирлайди отахон. — Ҳамиша бўлганидек, одамлар обунани ихтиёрий адо этишга ошиқмасдилар. Ҳар қалай ҳар бир оилага биттадан нашр бўлишига ҳаракат қилинарди. Қизиқ воқеа бўлган. Бир куни жамоа хўжалиги идорасига кирсам, шкаф устида тахланиб ётган газеталарга кўзим тушиб қолди. Суриштирсам эгаларига етказишга вақт топишмаганмиш. «Чанг босган газеталар» сарлавҳаси остида танқидий мақолам босилган. Шу бўлдию, кўча-куйда кўрганлар мени «танқидчи мухбир келяпти» дейдиган бўлишди...

Бора-бора у киши газета жонкуяри сифатида «Ўзбекистон овози»нинг жамоатчилик асосида қабул қилиш бўлимига бош бўлди. Отахон бу ерда ҳам ўзининг фаоллиги, тадбиркорлиги, адолатпешалигини намойиш этди. Унинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. Жамоатчи мухбир Абдуфаттоҳ Набихўжаев «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони билан тақдирланди. Отахон мустақиллик самараларидан саналган виждон эркинлиги билан боғлиқ турли англашмовчиликларни жойига қўйишда ҳам ўзини кўрсатди. Хусусан, маҳалла ва мачитларда, ёшларни қандай ишлар билан машғул эканига эътибор берар, айниқса пайтдан фойдаланиб «тўрга» чиқиб олган чала муллаларни ислом дини арконлари билан боғлиқ турли мулоҳазали ва баҳсли фикрларни жамоатчилик ўртасида кўтарди. Диний назорат томонидан отахон мухбирни бепул ҳаж сафарига йўлланиши ҳам шундан эди.

У киши узоқ умр кўришнинг сири нимада, деган саволга: «Бу аввало Оллоҳдан, қолаверса, ўзингизга боғлиқ. Берилган умрни совурмасдан, вақтни ғаниматдек билиш, одамлар қувончу ташвишини баҳам кўриш, ҳалол, поклик билан кам еб, кам деб, камроқ ухлаш билан бу дунёдан фақат иймон билан кетиш борлигини унутмаган инсоннинг муроди ҳосил бўлғусидир» дедилар.

Юнус ЗИЁДОВ, Азиза ҲУСАНОВА

Умидбахш ташаббус

Инсон ҳаёти учун энг муҳим нарса тинчлик ва хотиржамликдир. Тинчлиги бўлмаган мамлакатнинг ҳам, хонадоннинг ҳам ҳеч қачон бири икки бўлмаган. Шу сабабли қарияларимиз дастурхон устида фотиҳага қўл очганларида, энг аввало, тинчлик ва хотиржамликни тилга оладилар.

Мана, 20 йилдирки, қўшни Афғонистоннинг ороми бузилган. Аҳоли бир луқма нонини ҳам хотиржам ейишдан маҳрум. Биродаркушлик уруши ҳар куни ўнлаб кишининг ҳаётига зомин бўлмоқда. Мамлакат аҳолиси – яқин-яқингача оға-ини бўлган пуштунлар, тожиклар, ўзбеклар, туркманлар, белуҗлар, ҳазорийлар, бошқа миллат ва элатлар ўртасидаги аҳиллик йўқолган. Деҳқончиликка асосланган халқ хўжалиги тамомила издан чиққан. Тирикчиликнинг тайини йўқ. 1978 йилда Афғонистон жаҳондаги ўртача ривожланган мамлакатлар тоифасига кирган бўлса, 1998 йилга келиб энг фақир давлатлар қаторига тушиб қолди. Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади, деганлари шу бўлса керак.

Афғонистондаги нотинчлик тарихи кўпчиликка маълум: 1979 йилда собиқ Совет Иттифоқи раҳбарлари бу мамлакатга қўшин киритиб, халқаро ҳуқуқ нормаларини қўпол равишда бузишдилар. Улар социалистик тузумни зўравонлик билан экспорт қилиш ниятида эдилар. Аммо бу уриниш фожиали якунланди. Минглаб одамлар ҳалок бўлди, миллионлаб кишилар ўз уйларини ташлаб қўшни мамлакатлардан бошпана топдилар, шаҳарлар ва қишлоқлар вайронага айланди. 1989 йилда Совет қўшинлари Афғонистонни ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар.

Аслида, интервенция тугаганидан сўнг тинчлик ҳукм суриши керак. Аммо бу сафар аввалгисидан ҳам қонлироқ, аёвсизроқ жанглар бошланиб кетди. Ҳокимиятпарастлик, қабилачилик-уруғчилик иллатлари, йиллар давомида тўпланиб келган миллий ва диний муаммолар бунга сабаб бўлди. Норасмий маълумотларга қараганда, 20 йил давомида 2 миллионга яқин киши ҳалок бўлган. Афғонистон тупроғида ҳозир ҳам 10 миллиондан ортиқ мина мавжуд. Уларни зарарсизлантириш катта куч ва маблағни тақозо этади.

Фуқаролар уруши алангаси ҳамон ловуллаб турибди. Минтақада ўз манфаатлари ва мақсадларини рўёбга чиқаришга интилаётган айрим кучлар томонидан қуролли гуруҳларнинг қўллаб-қувватланиши низонинг барҳам топишига тўсқинлик қилмоқда. Бугунги кунда Толиблар Афғонистон ҳудудининг 90 фоизга яқинини ишғол этган бўлсалар-да, уларнинг ҳукмронлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмаяпти. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Толиблар ҳокимиятни эгаллаганлари заҳоти ақидапарастликка асосланган тартиблар ўрнатишга киришдилар. Аёллар барча ҳуқуқларидан маҳрум қилинди. Айбдорларни жазолаш учун ўрта аср инквизицияси усуллари қўлланди. Гиёҳванд моддалар етиштириш ва четга сотиш авж олиб кетди. Мамлакат ақидапараст террорчи гуруҳлар учун бошпанага айланди. АҚШ томонидан энг хавфли террорчи деб эълон қилинган Усама бин Ладин ҳам Афғонистонда эканлиги тахмин қилинмоқда. Саудия Арабистонидан бадарға этилган, асли яманлик бу шахснинг 1995 йилдан бошлаб АҚШда ва бошқа бир қатор мамлакатларда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларида қўли борлиги аниқланган. Миср махфий хизмати маълумотларига кўра, у ҳозирги пайтда бутун дунёдаги ақидапараст кучларнинг 51 ташкилотига молиявий ёрдам бермоқда. Усама бин Ладиннинг жами бойлиги 5 миллиард доллар деб тахмин қилинади. АҚШ ҳукумати бу террорчига ҳомийлиги учун Толибларга қарши жазо чоралари қўллашга қарор қилди.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

«Қўшнинг тинч, сен тинч» деган мақол бежиз айтилмаган. Афғонистондаги нотинчлик бошқа қўшни давлатлар қатори Ўзбекистонни ҳам жиддий ташвишлантирмоқда. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48 ва 50-сессияларида, Европа Иттифоқи анжуманларида жаҳон ҳамжамияти эътиборини бу хатарли кескинлик ўчоғига жалб этди. Айни пайтда, низони бартараф этиш бўйича аниқ ва амалий таклифлар ўртага ташланди. БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили Лахдар Брахимининг 1997 йил 16-17 августда мамлакатимизга келиши муҳим аҳамият касб этди. Ўшанда у юртбошимиз билан учрашиб, Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлларини муҳокама қилган эди.

Ана шу учрашувдан бироз кейин Ўзбекистон «6+2» контакт гуруҳини тузиш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Мазкур гуруҳга Афғонистонга қўшни давлатлар — Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, шунингдек, Россия ва АҚШ вакиллари кирдилар. Ўтган икки йил мобайнида гуруҳ иштирокчилари бир неча бор учрашдилар. Афғонистондаги воқеаларга қарашлари ва муносабатлари турлича бўлишига қарамасдан, БМТ ҳомийлигида Афғонистондаги низони бартараф этиш бўйича ягона йўналишни ишлаб чиқдилар. 19 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжуманда қабул қилинган Тошкент Декларацияси «6+2» гуруҳи фаолиятининг самарасидир.

Тошкент анжуманининг аҳамияти нимада? Энг аввало шуни айтиш керакки, «6+2» гуруҳининг уч аъзоси – АҚШ, Россия ва Хитой БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси. Халқаро муаммоларни ҳал этишда бу давлатларнинг нуфузи ва таъсири катта. Қолаверса, Толибон ҳаракати билан унга мухолиф Бирлашган жабҳа вакиллари бундай нуфузли халқаро анжуманда биринчи марта юзма-юз келмоқдалар. Чунки Толиблар Б.Раббоний ҳукуматини тан олмайдилар, Бирлашган жабҳа эса Толибларни эътироф этмайди. Уларни учраштириш учун Ўзбекистон дипломатлари анча куч ва ғайрат сарфладилар. Иккала мухолиф томон вакилларининг Тошкентга келиши ва ўзаро мулоқоти можарони тинч йўл билан ҳал этиш борасида ташланган муҳим қадам бўлди. Ислом Каримовнинг анжуманда сўзлаган нутқида Афғонистон можаросини босқичма-босқич ҳал этишнинг аниқ режаси ўртага ташланди. Хўш, бу режа нималарни ўз ичига олади?

Биринчи навбатда, БМТ махсус вакили воситачилигида мухолиф томонлар ўт очишни тўхтатиш, ҳарбий асирларни алмашлаш ҳамда мамлакатга инсонпарварлик ёрдами етказиб бериш учун йўлларни очиш ва ички қамалларни бекор қилиш борасида битимлар имзолашлари керак.

Иккинчидан, кейинги босқичда Афғонистоннинг давлат тузуми тамойиллари ва коалицион ҳукумат тузиш бўйича умумий ёндошувлар ишлаб чиқилиши зарур.

Учинчидан, мухолиф томонлар ўртасида низони бартараф этиш, қочқинларни ватанга қайтариш, миналарни зарарсизлантириш, аҳолидан қурол-яроғларни йиғиб олиш каби масалалар бўйича битимлар имзоланишига эришиш лозим.

Тўртинчидан, Афғонистондаги ички тинчлик жараёни билан параллель равишда «6+2» гуруҳига кирган мамлакатлар кенг миқёсли гуманитар ва молиявий-иқтисодий ёрдам дастурини ишлаб чиқишлари мумкин. Япония ҳукумати Афғонистонга ёрдам бўйича Токиода халқаро анжуман ўтказиш ташаббуси билан чиқмоқда.

Бешинчидан, якуний босқичда БМТ Бош Ассамблеясининг Афғонистон бўйича Махсус сессиясини ўтказиш масаласини кўриб чиқиш мумкин. Бу тадбир Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича якуний битимларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши рамзи бўлар эди.

Тошкент анжумани қатнашчилари бу таклифларни қониқиш билан кутиб олдилар. Музокаралар жараёнида ҳам Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича барча ташаббусларига юксак баҳо берилди.

Афғонистондаги воқеалар ҳеч қачон бизни бефарқ қолдирмайди. Чунки денгизлар сари энг қисқа йўлимиз Афғонистон тупроғидан ўтади. Амударёнинг нариги соҳилида ҳам бизга қондош ва қариндош халқлар яшаётганини яхши биламиз. Ҳиротдаги Абдулло Ансорий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Кобулдаги Заҳириддин Бобур ва бошқа алломаларнинг қабрлари биз учун ҳам муқаддас зиёратгоҳдир. Тарихимиз ва маданиятимизнинг кўплаб саҳифалари Афғонистон замини билан боғлиқ. Биз бу қўшни мамлакатда тезроқ тинчлик ва осойишталик қарор топишидан манфаатдормиз. Урушлар ҳеч қачон мавжуд муаммоларни ҳал этган эмас. Аксинча, улар халқ бошига чексиз азоб-уқубатлар, кулфатлар келтирган. Афғонистонда 20 йилдан буён давом этаётган биродаркушлик урушининг фожиали оқибатлари бунинг ёрқин мисолидир. Эндиликда Толиблар ҳам, мухолиф Бирлашган жабҳа вакиллари ҳам мамлакатда тинчлик ўрнатиш учун музокаралардан бошқа йўл йўқ эканлигини англаб етмоқдалар. Тошкент анжумани бу йўл қандай бўлиши керакligини очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Толиблар ва мухолиф кучлар бу имкониятдан қандай фойдаланадилар, буни албатта келажак кўрсатади.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ

ХАФТАСИ КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 26

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
8.40 «Эстрада тароналари».
9.10 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги. «Музработ ва музработликлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Абитуриентлар, сизлар учун. Тест қоидалари.
10.15 «Фермер». Телетанлов.
10.35 «Мусиқий саёҳат».
10.55 «Қамолот сари».

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

11.15 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.05 Кундузги сеанс: «Иван ва Марья». Бадиий фильм.
13.30 «Оила». Тележурнал.
14.10 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
15.10 «Шоҳрух»клуби.
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Қорақум йўлбарси.» 1-қисм.
16.00 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
16.15 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
16.40 «Зина, Зинуля». Бадиий фильм.
18.10 «Кўзгу». Тележурнал.
18.35 «ТВ патруль».
18.45 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50, 22.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Яхшилар ёди». Ўзбекистон халқ ҳофиси Муҳаммаджон Каримов.
21.55 «Маънавият» дастури.
22.55 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 67-қисм.
23.45 «Ахборот».
00.15 «Дил таронаси» Фильм-концерт.
01.05 «Камтарин қулингиз». Бадиий фильм.
02.30-02.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ким эпчил-у, ким чақкон», Мульттомоша).
18.40 «Ўзбекистон XXI аср сари» туркуми: «Буюк юрт фарзандиман».
18.55 «Ўзбекистон — ватаним маним!». Қўшиқ танлови.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Истиқлол ва аёл» туркумидан: «Биринчи мўъжиза».
19.50, 20.25, 23.05 Эълонлар.
19.55 «Мерос. Леонардо да Винчи». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм.
20.30 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.50 Мусиқий лаҳза.
21.00 «Давр» ахборот дастури
21.30 «Муносабат»
21.55 «Душанбада кўришгунча»
22.15 «Маслаҳат».
22.35 «Сурур». Мусиқий дастур.
22.45 «Олам футболи».
23.10 Синема. «Инспектор Морс».
00.55 «Хайрли тун!»

TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Жаҳон жўғрофияси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Бурч ва масъулият».
20.15 Телефакт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт-тайм».
21.45 «Дорихона эшитади».
22.15 «Биз Сизга бахт тиламиз».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
00.40 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
15.55 «Клип - антракт»
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Темир печка». 2 -серия.

Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.15 Душанба куни Познер билан.
18.55 «Мисс Марпл» Детектив сериал.
20.00 «Время».
20.35 «Қайсарлар ва довюраклар». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Спорт клуб».
21.45 «Сиз кутган учрашув».
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс. «Снайпер».Бадиий фильм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

Соат 15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эҳтиросларе асирлигида». Телесериал (Мексика).
17.35 «YIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль». Мусиқий дастур.
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал (Мексика).
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Комиссар Мегрэ» сериалидан. «Мегрэ мактабга жўнамокда» (Англия).
24.00 «XL-music». Мусиқий дам олиш дастури.

СЕШАНБА 27

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Муштарак оҳанглар».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 67-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Абитуриентлар, сизлар учун. Тест қоидалари.
10.20 Янги алифбони ўрганамиз.
10.40 Биржа ва банк хабарлари.
10.50 «Маънавият» дастури.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

11.45 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.05 «Бешбармоқ».Тележурнал.
12.25 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
12.50 Кундузги сеанс: «Мутлақ устунлик билан». Бадиий фильм.
14.10 «Қишлоқ ҳаёти».
14.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги: «Улар Германияда ўқиган эдилар».
15.00 «Ўзбекистон фуқароси».
15.20 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Султонлик машаққати». 2-қисм.
15.40 «Бу ажиб дунё».
16.00 «Мусиқа ва замон».
16.30 ЎзТВ хазинасидан. Уйғун. «Зебуннисо». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

***

18.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.20 «Шоирлар — болаларга». Т. Адашбоев.
18.45 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00, 23.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Хаёл». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Энг улуғ, энг азиз» танловига. «Мулқдор».
21.25 «Қўшиқла ҳаёт гўзал». Мусиқий дастур.
22.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.10 «Футбол майдонларида».
23.35 «Ахборот».
00.05 «Муҳаббат соғинчи». Концерт.
00.45 Экранда кинокомедия. «Темир хотин». 1—2 сериялар.
02.50-02.55 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 67-қисм.
18.55 Мусиқий лаҳза.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Ватан манзаралари». Қашқадарё вилояти.
19.50, 20.30, 22.50 Эълонлар.
20.00 «Мерос. Леонардо да Винчи». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм.
20.35 «Истиқлол қайтарган номлар». Огаҳийнинг 190 йиллигига.«Мутолаа».
20.50 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
20.55 «Ёшлар» телеканалида.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқ танлови.
21.35 «Марду майдон».
21.55 Шухрат Қаюмов куйлайди.
22.15 «Турфа олам».
22.30 «Кинотилсим».
22.55 Синема. «Атомли поезд». Детектив. 1-қисм.
00.15 «Янги тонг».

TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Жаҳон жўғрофияси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Суҳбатдош».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.45 Туризм ҳақида. Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
00.45 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Интернет худуди».
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.15 «Спорт-клуб».
18.30 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Айиқ териси». 1-серия.
18.45 «Уорлднет» янгиликлари. Россия жамоат телевидениеси.
18.55 «Мисс Марпл». Детектив сериали.
20.00 «Время».
20.35 «Қайсарлар ва довюраклар». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «ТВ-4да немис тўлқини».
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Келажак ҳақида ўйлар».
22.00 «Вести».
22.35 Кинематограф: «Бобби» Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
01.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал (Мексика).
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эҳтиросларе асирлигида». Телесериал.
17.35 «YIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль». Мусиқий дастур.
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Комиссар Мегрэ» сериалидан. «Мегрэ ва телба қиз».
24.00 «Мусиқий вернисаж». Мусиқий-дам олиш дастури.

ЧОРШАНБА 28

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
9.15 «Инсон — ҳаёт гултожи».
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 5-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Абитуриент- 99. Адабиёт.
10.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги: «Имом Бухорий».
10.50 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

11.20 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.35 «Бир қадам...».
12.05 «Санъат ғунчалари».
12.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
13.40 «Бугуннинг аёли».
14.10 Ўзбек куйларидан концерт.
14.40 «Ёшликми ёки бебошлик?»
15.00 «Талаб ва таклиф».
15.15 «Газалхон ёшлигим».
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Тақдир сўқмоқлари». 3-қисм.
16.00 «Мураббий». Спорт дастури.
16.15 «Келдию кетди». Бадиий фильм.
17.45 «Жаҳон спорти».
18.10 Болалар учун. «Сени Ватан кутади».
18.30 «Экран куйлари».
18.45 «Ранглар жилоси».
19.00 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00,21.50 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 Олтин мерос. Ҳалима Носирова.

«Умид» намойиш этади:

21.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Буюк келажак — ёшлар қўлида».
23.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 68-қисм.
00.05 «Ахборот».
00.35 «Ёш хонандалар концерти».
01.15 «Галати гаров». Бадиий фильм.
02.25-02.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бугуннинг боласи», Мульттомоша)
18.35 «Семург».

Ўсмирлар учун кўнгил очар дастур.

18.50 «Дил рози». Мусиқий дастур.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Кафолот».
19.40 «Ракурс».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 23.05 Эълонлар.
20.35 «Мусиқий лаҳзалар».
20.45 «Каталог».
20.55 «Ёшлар» телеканалида.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Менинг орзуим».
21.35 «02» тўлқинида.
21.50 «Аср қиёфаси».
22.05 «Танишинг: Тоҳир Аҳмедов».
22.20 «Эркин фикр». Биз озодликни қандай тушунамиз?
22.40 Спектаклдан сўнг.
23.00 «Ёшлар» телеканалида.
23.10 Синема. «Атомли поезд». 2-қисм.
00.30 «Хит-коллекция».
00.50 «Хайрли тун!»

TTV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Жаҳон жўғрофияси».
19.15 «Осойишталик фидойилари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 «Манзарали фильм».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўзгу». Тележурнал.
21.45 «Хайрли оқшом».
22.15 «Эстрада концерти».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
00.45 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Айиқ териси». 2-серия.

Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.15 «Инсон ва қонун».
18.55 «Мисс Марпл». Детектив сериали.
20.00 «Время».
20.35 «Қайсарлар ва довюраклар». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?»
21.30 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.35 Оскар мукофоти.«Мўъжиза яратаётганлар».
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эҳтиросларе асирлигида». Телесериал.
17.35 «YIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль». Мусиқий дастур.
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Комиссар Мегрэ» сериалидан. «Мегрэ тузоққа илинтирмокда».
24.00 «Дўстлар даврасида». Мусиқий-дам олиш дастури.

ЖУМА 30

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги: «Ўзбекистон коллонлари».
9.00 «Мусиқа билан сирлашиб».
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 6-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Абитуриентлар, сизлар учун. Физика.
10.25 «Етгил камолга». Спорт дастури.
10.40 Абитуриентлар, сизлар учун. Биология.
11.00 «Сомон йўли».
11.30 Немис тили.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

12.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.35 С. Жаббор. «Очиқ эшиклар достони». 2-қисм.
13.05 «Шарқ тароналари».
13.25 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.35 «Талабалар саҳнасида».
15.05 «Спорт оламида».
15.20 «Зийнат».
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Тақдир фожиаси». 5-қисм.
16.00 Кундузги сеанс: «Петербурглик чиновник». Бадиий фильм.
17.30 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.30 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.10 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тест: синовга тайёрмисиз?».
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Мусиқий дастур.
22.15 «Назорат».
22.40 А. Абдураззоқов. « Ўртоқ Бойкенжаев ва бошқалар...». Видеофильм.
23. 50 «Ахборот».
00.20 «Шарқ тароналари». II Халқаро мусиқа фестивали олдидан.
00.50 «Замонавий аёл». Бадиий фильм.
02.10-02.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Беғубор фасл», Мультфильм).
18.30 «Истиқлол қайтарган номлар». Абдулла Авлоний.
18.45 «Ёшлар» телеканалида.
18.50 Мусиқий лаҳза.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Далил ва шарҳ».
19.40, 20.35, 23.45 Эълонлар.
19.45 «Оққуш». Видеофильм.
20.40 «Саломат бўлинг» 5-кўрсатув.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Менинг орзуим».
21.35 «Қизим, сенга айтаман...»
21.55 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
22.05 «Ҳуқуқ ва бурч».
22.25 «Мусиқий лаҳза».
22.30 «Автосалтанат».
22.45 Халқаро «Шарқ тароналари» фестивали олдидан «Буюк Ипак йўли». Мусиқий спектакль.
23.50 Синема. «Лаки». 2-қисм.
01.20 «Мунаввар тонг истаб».

TTV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.10 Болажонлар экрани.
9.50 «ТВ ва театр».
10.15 Кинонигоҳ.
11.00-11.10 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Жаҳон жўғрофияси».
19.10 «Дилором наволар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Рақслар жилоси».
21.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Фаровонлик бекати».
22.15 Катталар учун эртак.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Тунчироқ.
00.25 Оҳанглар ва эълонлар.
00.30 Кинонигоҳ.
01.10 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «ТВ-4 да немис тўлқини».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «СНН- шоу».
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.15 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Золушка». 2-серия.
18.30 «Уорлднет» янгиликлари.
18.40 «Клип-антракт».

Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.55 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Қайсарлар ва довюраклар». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Эътироф».
22.00 «Вести».
22.35 Кинонинг олтин асри. «Ой-44». Бадиий фильм.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 01.40 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висол».
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Эҳтиросларе асирлигида». Телесериал.
17.35 «YIP» студияси меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль». Мусиқа дастур.
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Сенсиз яшай олмайман». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Комиссар Мегрэ» сериалидан. «Мегрэ ҳимоя қилмокда».
24.00 «Бедорлик».

ШАНБА 31

TV

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги. «Амир Темур дурдоналари».
9.35 Ҳидоят сари.
10.00 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
10.15 «Нотаниш дил суҳбати».
10.30 «Ёзувчи ва замон».

«Умид» намойиш этади:

11.00 «Орзулар қанотида».
11.25 «Мен билган, билмаган дунё».
11.50 «Қўғирчоқлар жонланганда...».
12.20 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
13.00 «Армон». Соли Раҳимқулов.
13.30 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
14.05 Кундузги сеанс: «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм.
15.10 «Ринг». Спорт дастури.
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Жалолиддиндан сўнг». 6-қисм.
16.00 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
16.30 «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм.

***

18.00 «Чемпион билан учрашув».
18.15 «Аруз гулшани».
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 21.00, 22.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Зиё».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.30 «Буюк келажак 2000». Телемарафон.
22.05 «Равзаи жаннат боғи». Мусиқий дастур.
22.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига:«Халқнинг кўнгли».
23.05 «Ахборот».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.

23.35 «Мусиқий саёҳат». Э. Пиаф.
23.55 «Учинчи қасам». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
02.20-02.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 67-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Сурур». Мусиқий дастур.
10.55 «Истиқлол ва аёл» туркумидан: «Биринчи мўъжиза».
11.15 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.35 «Марду-майдон».
11.55 «Истиқлол қайтарган номлар»: Ў. Кўчқор. «Имом ал-Бухорий» спектакли.
13.20 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
13.30 «Маслаҳат».
13.50 «Истиқлолни куйлайман».
13.55 «Рамаяна». Телесериал.
14.30 «Мунисам».
14.50 «Мусиқий глобус».
15.10 «Тарзан». Телесериал.
15.55 «Шу куннинг мавзуси».
16.15 Синема.
17.40 «Хит-коллекция».
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», «Болалар дам олиш масканларида»).
18.35 «Эски альбомдан».
18.45 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Матбуот».
19.50, 20.30, 23.10 Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Дилбарим».
20.55 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқ танлови.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Юлдузлар олами». Илҳом Иброҳимов.
22.00 «Туйғу»
22.20 «Шарқ тароналари».
22.40 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
23.15 Синема. «Жентлменлар малласоч аёлларни афзал кўрадилар».
00.45 «Хайрли тун!»

TTV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 Соғлом бўлай десангиз.
9.40 «Янги ой чиққан кеча»
10.05 «Бева Бланка». Телесериал.
10.50 «Ёшлар ҳудуди».
11.20 «Дўстлик» видеоканали. «Чинсен», «Сахий хонадонда».
12.05-12.40 Болажонлар экрани.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
19.15 «Табиат шифохонаси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ёшлар кўчасида»
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таянч».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.35 Кинонигоҳ.
00.10 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф. «Темир ниқобдаги одам». Бадиий фильм.
11.15 «Жонли сайёра».
11.30-12.30 «Буржлар башорати».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.25 Клип-антракт.

Россия жамоат телевидениеси.
17.30 Кумуш серия. Барбара Брыльска «Фирьавн» афсонавий фильмида.
20.00 «Время».
20.35 «Махфий хужжатлар». Сериал.
22.15 «Оқ тўтиқуш» клуби.
22.55 «5 дақиқа ўзинг учун».
23.00 «Дил изҳори».
23.10 «6х9». Телеўйин.
23.40 XXI Москва халқаро кинофестивалининг ёпилиши.
00.35 Кинематограф:«Қўлдан чиққан сайёра учун кураш» Бадиий фильм.
01.00 «Ахборот» (рус тилида)
01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий дам олиш дастури.
9.25, 13.45, 18.00, 19.50, 01.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.30 Болалар учун фильм.
11.45 «Клип-совғача».
12.00 «Тушки кино».
14.15 «Ўлжа». Детектив сериал (АҚШ).
15.00 Ҳинд киноси.
17.10 «Оддий кучук». Жониворлар ҳақида дастур.
17.25 «30-канал»да саргузаштлар соати».
18.30 «Мих». Дам олиш дастури.
19.00 «Омерта ёки сукут сақлаш кодекси». Детектив сериал.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «Ҳафта фильми».
23.15 Мусиқий дам олиш канали.
24.00 «Бедорлик».

ЯКШАНБА 1

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Буюк келажак — 2000». Телемарафон.
9.30 «Истиқлол нашидаси». Мусиқий дастур.
9.45 «Ғаройибот».

«Умид « намойиш этади:

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Талабалик йилларим».
11.25 «Болалигим — пошшолигим».
11.55 «Бўстон». Тележурнал.
12.35 «Шоҳрух» клуби.
13.05 Кундузги сеанс: «Чақирилмаган меҳмонлар». Бадиий фильм.
14.25 «Ўзбекистон бастакорлари». Имомжон Икромов.
15.00 «Мозийдан бир мўъжиза».
15.15 «Саҳна ҳаёти».
15.45 «Олис ва яқин манзиллар».
16.10 «Эл тинчлиги йўлида».
16.35 «Аҳмад қаёқда». Бадиий фильм.

***

18.00 «Тимсоҳ ва шер исканжасида». Мультфильм.
18.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.35 «Қалбга яқин қўшиқлар».
18.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, 22.30 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.55 «Телевизион миниатюралар театри».
22.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Онажон». Премьера.
22.55 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.
23.10 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати «Дўстлик» — «Нефтчи», «Трактор» — «Навбаҳор» жамоалари учрашувидан репортаж.

«Аср мўъжизаси». Кинодастури.

00.40 Кино янгиликлари.
01.55 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
01.15 «Тилла тиш». Бадиий фильм.
02.00-02.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Якшанбада яхши дам».
9.40 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.30 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
10.40 «Инглиз тили сиз учун».
11.05 «Ёшлар» телеканалида.
11.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 68-қисм.
11.55 «Лаззат».
12.15 «Абдулҳай Каримов куйлайди».
12.35 «Цирк, цирк, цирк».
12.55 Ёзги таътил». «Шайтонвачча». Бадиий фильм.
14.10 «Синфдош».
14.30 «Рамаяна». Телесериал.
15.05 «Бахс».
15.30 «Истиқлол қайтарган номлар». Огаҳийнинг 190 йиллигига. «Мутолаа».
15.50 «Кинотақдим».
16.10 Синема.
17.40 «Шарқ тароналари».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Келинг, танишайлик», «Севинч» гуруҳи).
18.35 «ТВ-кўприк»: Тошкент — Самарқанд.
18.55 «Истиқлолни куйлайман».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Бир жуфт қўшиқ».
19.45, 20.25, 23.05 Эълонлар.
19.50 «Рамаяна». Телесериал.
20.30 «Дунё ҳафта ичида».
20.

БАНК МИЖОЗ УЧУН ИШЛАЙДИ

«Ўзсаноатқурилишбанк»и истиқлол йилларида биринчилардан бўлиб мулк шаклини ўзгартирди ва бугун акциядорлик банки ҳисобланади, унинг акциядорлари сафида минглаб хусусий мулкдорлар бор. Ўз соҳасида монополликдан қутулиб, банкнинг ўзида ҳам ислоҳотлар ўтказилмоқда, таклиф қилинаётган банк хизмати турларининг жозибадорлигини оширишга, мижозларнинг турли талабларини қондириш учун сифатли хизмат кўрсатишни таъминлашга ҳаракат қилинмоқда.

Мухбиримиз банк ва унинг филиалларида олиб борилаётган ишлар, белгиланган режаларининг ижроси ҳақида сўзлаб бериш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» Бошқаруви Раиси Ўткир Ниғматов билан суҳбатлашди.

— Ўткир Убайдуллаевич, йилнинг биринчи ярмини банк қандай якунлагани ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Аввало Андижон вилояти ёки бутун Фарғона водийсининг барча аҳолисини Хўжаобод ерости газ омборининг ишга туширилиши билан табриклайман. У табиий газнинг ёз пайтида ер остидаги омборга жамланиши ҳисобидан айниқса газ қувурлари тизимида босим жуда камаядиган қиш пайтида газ етказиб берилишини учдан бир қисмга ошириш имконини беради. Турар жойлар, коммунал объектлар, саноат корхоналарининг газ таъминоти яхшиланади. Бу объектнинг ишга туширилиши энг аввало «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг қурилиш-монтаж ҳамда уларнинг махсус субпудратчи ташкилотлари ва «Ўзтрансгаз» жамоаларининг хизматидир. Бизнинг банк мазкур қурилишни молиялашда ёрдам берди. Бу мақсадга бошқа манбалардан ташқари 370 млн. сўмлик банк кредитлари ҳам йўналтирилди. Минтақадаги энг йирик газ омборининг ишга туширилиши республика раҳбариятининг халқимизга кўрсатаётган ғамхўрлигидир.

Республикамиз мустақиллигининг саккиз йиллигига яна бир туҳфа бу Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида жойлашган «Антекс» ОТАЖ текстиль мажмуи тикув цехининг ишга туширилишидир. Ушбу объектнинг тақдимоти 16 июлда бўлиб ўтди. Ишга туширилган қувватларнинг ўзлаштирилиши йилига 3 миллион донагача тикув маҳсулотлари — эркаклар ва аёллар костюмларини ишлаб чиқариш имконини беради. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 780 млн. сўмлик кредит маблағлари сарфланган «Антекс»нинг бутун қурилиш мажмуини йил охиригача ниҳоясига етказиш кутилмоқда. Унинг ишга туширилиши билан 1500 ишчи ўрни ташкил топади.

Мамлакатимизда иқтисодиёт ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун зарур янги объектларни мунтазам ишга туширишни анъанага айланди. Шулардан «Ўзсаноатқурилишбанк» иштирокида қурилган фақат бир нечтасини айтиб ўтаман. Бу яқинда ўзининг уч йиллигини нишонлаган, йилига 200 минг енгил автомобиль ишлаб чиқарадиган Асакадаги завод. Вилоят маркази ва унинг атрофидаги туманларнинг сув таъминотини яхшилаган Учқўрғон — Наманган сув қувури. Кўқдумалоқ нефтьгаз конидан самарали фойдаланиш имконини берган компрессор станцияси шулар жумласига киради. Ҳозирда 60 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқараётган Қоровулбозордаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини кредитлашга уч миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. 428 млн. сўмлик кредитимиз Ангрендаги каолинни майдалаш фабрикасининг ишга туширилишига кўмаклашди. Биз шундай ноёб ва мамлакатимиз учун жуда зарур объектларнинг қисқа муддатларда қурилишида банкимиз ходимларининг меҳнатлари ҳам мадад бўлганлигидан фахрланамиз.

Банк кредит портфелининг 84 фоизини узоқ ва ўрта муддатли кредитлар ташкил этади. Бу мижозларимиз ва банкнинг ўзи учун ҳам фойдалидир. Қўйилган маблағларнинг самараси ишлаб чиқариш ва ижтимоий муҳим объектларнинг ишга туширилишида, шунингдек тижорат банки учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган даромадларнинг ошишида кўринади.

Буни биринчи ярим йилликдаги банкнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари тасдиқлайди. Банк активлари 71,4 млрд. сўмгача кўпайди, бу йил бошидаги даражага нисбатан 34 фоизга ортиқ. Асосий кўпайиш кредит қўйилмалари ҳисобидан таъминланди. Банк қимматли қоғозлар бозорида фаол қатнашмоқда. Мижозларга катта миқдорда ҳам миллий, ҳам чет эл валюталарида хизматлар кўрсатилмоқда. Банк ва унинг филиаллари фаолияти молия режасининг бажарилишига имкон берди. Фоиз ставкалари қисқа муддатли ссудалар бўйича 1,4 ва ўрта муддатли ссудалар бўйича 3,1га пасайтирилганига қарамай берилган қарзлар учун фоиз даромадлари ўсди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан банк бўйича умуман даромадлар 25,6 фоизга, солиқлар тўлаб бўлингандан кейинги фойда 19 фоизга ўсган. Харажатларни қисқартириш юзасидан кўрилган чора - тадбирлар натижасида алоҳида сарфлар бўйича тежамкорликка эришилди. Олинган фойда банкни ривожлантириш ва акциядорлар умумий йиғилишининг имтиёзли акциялар бўйича оралиқ дивидендлар тўлови ҳақидаги қарорини бажариш юзасидан белгиланган тадбирларни молиялаш имконини беради.

— Агар сизни тўғри тушунган бўлсам, узоқ ва қисқа муддатли кредитлаш банк фаолиятининг асосий йўналиши демак?

— Ҳа, кредитларнинг бу тоифаси кредит портфелимизда айниқса салмоқлидир, кредит портфели ҳақида эса биз ҳисобот санасига ссуда қарздорлигининг қолдиғи бўйича хулоса чиқарамиз. Бу банкнинг инвестицион йўналишини белгилайди. Банкнинг кредит сиёсати анъанавий тарзда иқтисодиётнинг базавий тармоқлари — ёқилғи, минерал ва хомашё ресурсларини қазиб чиқариш, жойларга етказиш ва қайта ишлаш, энергетика, кимё ва енгил саноат, машинасозликни жадал ривожлантиришга кўмаклашишга йўналтирилган.

Бугунги кунда қўйилмаларимизнинг энг йирик объекти — қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган Шўртан газ—кимё мажмуидир. Бизнинг Инвестиция бошқармамиз ва Қашқадарё вилоятидаги Темирйўл филиалимиз мазкур ноёб объектни барпо этишда қатнашаётган буюртмачи ва пудратчи ташкилотларга хизмат кўрсатаяпти. Асосий ишларни «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш», Қашқадарё вилоятининг қурилиш-монтаж ташкилотлари бажармоқда. Қурилиш АҚШнинг «АВВ Луммус глобал» фирмаси ва «ЎзбекнефтгазИТИ» томонидан ишлаб чиқарилган лойиҳа ҳужжатлари бўйича олиб борилмоқда. Биз қурилиш қатнашчиларига банк хизматларининг барча мажмуини бевосита кўрсатмоқдамиз. Молиялаш учун буюртмачининг ўз маблағлари, банк кредитлари (улар 15,3 млрд. сўмдан ошди), шунингдек чет эл инвесторларининг маблағларидан фойдаланилмоқда. Бу энг замонавий технология ва ускуналарни ишлатиш имконини берди. Қурилиш ишлари 1997 йил декабрида бошланган. Уни 2000 йилда ишга туширишни мўлжалланган. Мазкур мажмуанинг қувватлари XXI асрнинг биринчи йилидан қимматли саноат хомашёси — 110 минг тонна ҳажмида полиэтилен, шунингдек 143 минг тонна суйилтирилган газ ишлаб чиқариш ва кимё корхоналарига етказиб бериш имконини беради.

Бу мамлакатимизда қурилаётган ва биз банк хизматларини кўрсатаётган ягона объект эмас, албатта. Банк мамлакат инвестиция дастурининг амалда 20 фоизига хизмат кўрсатади. Ўрта Осиёдаги энг йирик Толлимаржон ГРЭС қурилишини молиялаш давом этяпти, бунда Энергетика вазирлигининг ўзмаблағлари билан бир қаторда банкнинг 6,6 млрд. сўмлик кредитларидан фойдаланилмоқда. Қурилиши бошланганидан бери 4,2 млрд. сўмдан ортиқ кредит ресурслари йўналтирилган Андижон биокимё заводи ва «Қўқон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг иккинчи навбатлари бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ангрендаги каолинни қайта ишлаш ва дастлабки бойитиш фабрикасининг жорий йилда фойдаланишга топширилишини таъминлаш тадбирлари кўрилмоқда. Андижон вилоятидаги «Антекс» ОТАЖ текстиль мажмуи учун бизнинг бевосита иштирокимизда Швейцариянинг «Лемано С.А» фирмасидан 420 минг доллар миқдорида кредит жалб қилинди. Бундан ташқари шу лойиҳанинг ўзига Европанинг биринчи классли банкларидан 1900 минг долларлик кредитларни жалб қилмоқчимиз. Мажмуанинг ишга туширилиши 300 янги ишчи ўрнини таъминлаш, йилига 5,3 млн. погон метр газлама ишлаб чиқариш имконини беради.

Айтиш керакки, жорий ссуда қарздорлигида узоқ муддатли кредитларнинг қўплиги бутун кредит фаолиятини акс эттирмайди. Банк ва унинг филиалларида қисқа муддатли кредитлаш, бошқача айтганда, бир неча кундан бир йилгача муддатга кредит бериш бўйича катта иш олиб борилаяпти. Бу жиҳатдан қараганда жорий йил бошидан бошлаб деярли 10 млрд. сўмлик шундай кредитлар берилди, бу ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан икки баравар кўпдир. Қисқа муддатга олинган кредитларнинг кўпчилиги хўжалик оборотида фойдали ишлатилди ва қайтарилди.

Ушбу маблағларнинг бир қисмидан хўжалик органлари ўртасида ҳисоб-китоблар яхшиланиши учун фойдаланамиз. Бу қандай кечади? Бизнинг филиал ва бошқармаларимиз корхона ва ташкилотлар, уларнинг юқори бошқарув органлари, кўпинча бошқа тижорат банклари билан биргаликда пул маблағларининг эҳтимол тутилган оқимларини аниқлайди, улардан фойдаланиш бир ташкилотнинг бошқаси олдидаги қарзининг камайишига, шунингдек бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар ўтишига кўмаклашади. Бу оддий бўлмаган ишда ёпиқ занжирлар ёки молиявий аҳволи барқарор кредитга лаёқатли қарз олувчилар аниқланганда биз ҳисоб-китоблар схемасини тасдиқлаймиз. Айни пайтда вақтинча бўш турган кредит ресурсларни излаб топамиз, уларни катта бўлмаган ҳақ эвазига жалб қилиб, бир кундан бир неча кунгача муддатга ишлатамиз. Ушбу амаллар дебитор ва кредитор қарзларни 24 млрд. сўмга қисқартириб, сезиларли самара берди.

Умуман ярим йил ичида жорий фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун саноат корхоналарига — 7,6 млрд. сўм, қурилишмонтаж ва транспорт ташкилотларига — 850 млн. сўм, савдо корхоналарига — 800 млн. сўм, уй-жой-коммунал хўжалигига — 70 млн. сўм, бошқа ташкилотларга — 260 млн. сўмдан ортиқ кредитлар йўналтирилган.

Корпоратив қимматли қоғозлар билан иш фаол давом этяпти. Портфель инвестициялари 190 млн. сўмни ташкил этди. Маблағларни қўйиш объектлари сирасига «Мадад» суғурта агентлиги ва «Ўзагросуғурта» ДАСК каби суғурта бозорининг йирик вакиллари киради. Шунингдек, булар сафида республиканинг йирик саноат корхоналари — Тошкент трактор заводи, Янгийўл Биокимё заводи, «Бухороэнергомарказ» АЖ, «Ўзиталмоторхолдинг» бор.

— Буларнинг барчаси йирик мижозларга тааллуқли. Кичик бизнесга муносабат қандай?

— Очиғи, бу борадаги ишда кўтарилиш ва тушкунлик даврлари бўлди. Бир неча йиллар олдин, биз тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун аввалига эҳтиётлик билан, кейин анча катта миқдорларда кредитлар берардик. Афсуски, ҳали ўша вақтда қарзларнинг қайтарилиши, гаров билан таъминланганлик, кафолатлар ва баъзи бошқа масалалар етарлича ишлаб чиқилмаган ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан аниқлаштирилмаганди. Баъзи қарз берувчиларда қарзлар ва улардан фойдаланганлик учун фоизларнинг қайтарилиши билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлди. Гарчи суд жараёнлари механизми ишга туширилган бўлсада, ҳалигача ҳамма ҳам ўз қарзлари бўйича ҳисоб-китоб қилиб бўлгани йўқ. Табиийки, эркин бозорда ҳамиша мавжуд бўлган юқори таваккалчилик шароитида ишлашга кўникмаган банк ходимлари томонидан мижозларнинг бу тоифаси билан муносабатларда эҳтиёткорлик ва маълум маънодаги мулоҳазакорлик кўрина бошлади.

Эндиликда аҳвол яхши томонга ўзгармоқда. Ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда аниқлик кўпайди. Юқори таваккалли активлар билан ишлашнинг баъзи тажрибаси тўпланди. Тадбиркорларнинг ўзлари ҳам ўзгаришаяпти, улар томонидан кредитлашнинг муддатлилик, тўловлилик ва қайтариш каби асосий тамойилларини кўпроқ тушуниш намоён бўлмоқда. Тошкент шаҳрида ва вилоятларда ўтказилган семинарлар, тадбиркорларнинг банклар ва бошқа иқтисодий идоралар ходимлари билан учрашувлари ижобий самара берди. Агар аввалларидек банкчилар ва тадбиркорлар бир-бирларига ишончсизлик билан қарашган бўлса, ўзаро ёқтирмаслик ҳоллари кўринган бўлса, эндиликда уларнинг муносабатларида томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган равишда ишбилармонлик кўпайди.

Банк томонидан жорий йилда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятлардаги филиалларда ўз ресурслари ҳисобидан йилига 15-20% лик имтиёзли фоиз ставкаси билан 50 млн. сўмдан 150 млн. сўмгача ҳажмда кредит йўналишлари очилди. Андижон, Самарқанд, Наманган, Тошкент филиалларида ажратилган кредит йўналишларини ўзлаштириш бошланди. Ушбу кредитлар асосан, тадбиркорларнинг бозорда харидоргир товарлар ишлаб чиқариш ва янги ишчи ўринларини яратишни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, хусусий тадбиркорлар билан ҳамкорликнинг кенгайганлиги тўғрисида ярим йиллик якунлари далолат беради. Банк ва унинг филиалларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳажми 1,2 млрд. сўм бўлган тадбиркорлик, кичик бизнес корхоналарига хизмат кўрсатилади. Савдо-сотиқ билан банд тадбиркорлик тузилмалари ҳозирча кўпроқ. Ярим йилликда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун 360 млн. сўмдан ортиқ суммада кредитлар йўналтирилди. Шундан деярли учдан икки қисми фойдаланилгандан сўнг қайтарилган. Муддати ўтган қарзлар (афсуски, кредитлашда бундан бирор бир банк мустасно эмас) қарздорлик қолдиғининг 2,5% идан камроғини ташкил этганлиги характерлидир. Буни биз тадбиркорлар ва банк ходимларининг кредитларни бериш ва улардан фойдаланишни назорат этиш масалаларини кўриб чиқишда масъулиятларимиз ошганлигидан деб биламиз.

Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг жорий фаолиятини кредитлаш билан бир қаторда ишлаб чиқариш қувватлари яратишни мўлжалланган тадбиркорларга кўпроқ эътибор беришга интилаяпмиз. Масалан, Андижондаги «Олтин дери» қўшма корхонасининг қурилиши кредит ҳисобидан молиялаштирилаяпти, бу ерда қўшимча 100 ишчи ўрни яратилади ва йилига 450 минг қўй териси қайта ишланади, ҳамда 45 минг чарм пўстин ишлаб чиқарилади. Тошкент шаҳрида «Фонд» хусусий фирмасига кредит қўмагида озиқ-овқат ва фармацевтика саноати учун зарур бўлган ширинбўя илдизини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ёрдамлашилди. Фирма маҳсулоти Европа стандартларига тўла жавоб беради ва экспорт қилинади.

Биз ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш ҳажмини ошириш мақсадида банкнинг кичик ва ўрта бизнес учун лойиҳаларни танлаш билан банд мутахассислари малакасини оширишга эътиборни кучайтирдик, маҳаллий ҳокимият органлари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, фермер хўжаликлари уюшмаси билан алоқалар ўрнатдик ҳамда ҳамкорлик қилаяпмиз. Кредит олиш учун ҳужжатлар тайёрлашда тадбиркорларга маслаҳат хизматлари кўрсатилаяпти. Натижада турли вилоятлардан банкка келаётган бизнес-режаларнинг сони ошди. Афсуски, тақдим этилаётган кўпгина бизнес-режаларнинг сифати паст ва амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ қайта ишлашни тақозо этади. Биз ҳеч қанақа қўшимча талаблар қўймаяпмиз, балки аксинча, камчиликларни бартараф этиш бўйича иш олиб бораяпмиз. Масалан, Самарқанд филиали томонидан таклиф қилинган колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Вазир-Д» кичик корхонасини кредитлаш бўйича лойиҳа ҳамкорликда қайта ишланди. Бошқа мисолда, Фарғона вилоятининг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли жамоа хўжалигида минерал сув қуйиш цехини ташкил этиш лойиҳаси бўйича валюта таъминоти билан боғлиқ қўшимча маркетинг тадқиқоти ўтказилди. Биз лойиҳаларда хомчўтлар хомашё ва тайёр маҳсулотнинг ички, шунингдек ташқи бозорини чуқур ўрганган ҳолда қурилиши, режалаштирилган фойданинг олиниши ва олинган кредитлар қайтарилишининг таъминланишидан манфаатдормиз.

— Чет эл кредитларини жалб қилиш учун мижозларингизнинг чет элдаги ҳамкорлари билан алоқаларига хизмат кўрсатиш бўйича қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг яна бир йўналиши бу — чет эл инвесторларининг молиявий ресурсларини жалб қилишдир. Европа Тараққиёт ва Тикланиш банкининг Ўзбекистондаги кичик ва ўрта бизнес секторини қўллаб-қувватлаш учун 15 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит йўналишини очиш тўғрисидаги нияти бор. Банк манфаатдор шахслар-хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта корхоналар раҳбарлари билан халқаро стандартлар даражасида товарлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган лойиҳаларни кўриб чиқишга тайёр.

— Айтингчи, бошқа банклар, хусусан чет эл капитали иштирокида ташкил этилган банклар билан ўзаро муносабатларингиз қандай ?

— Республикамизда бозор инфратузилмаси ташкил этилган. Биз унинг бир қисми ўлароқ Фонд биржасида фаолият олиб бормоқдамиз, суғурта компаниялари билан ўзаро иш муносабатлари ўрнатганмиз, бошқа банклар билан ҳамкорлик қилаяпмиз. Биржа майдонларида иш олиб бориб, бошқа банклар билан ҳамкорликда миллий ва чет эл валюталарида молиявий ресурслар билан операциялар ўтказамиз. Масалан, вақтинча бўш ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида Савдогарбанк ва Ғаллабанк билан ҳамкорлик олиб бормоқдамиз. Ғаллабанк биздан 500 млн.сўмлик қисқа муддатли кредит олиб, уни қишлоқ хўжалигидан буғдой сотиб олиш учун қишлоқ тадбиркорларига кредит беришга ишлатган.

ABN AMRO Банк билан ишончга асосланган муносабатлар ўрнатилган. Банкимиз хусусийлаштириш ва инвестициялар бўйича Ўзбек Халқаро Банки «Ўзприватбанк» ҳаммуассиси сифатида иштирок этган. Табиийки, банкчилик соҳасида ҳар бир банк ўзининг муайян ўрнига эга ва биз доимо рақобатни ҳис этиб турамиз. Аммо барча банкларнинг муносабатлари ўзаро манфаат асосига қурилган, зеро — умумий ишга қўл урганмиз, яъни Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашамиз. «Visa International» халқаро тўлов тизимининг пластик карталарини сақловчиларга хизмат кўрсатиш борасида йирик қўшма банклардан бири ЎзДЭУ банк билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича келишувни ишлаб чиқдик. Уни амалга ошириш билан яна бир хизмат тури татбиқ этилади. VISA картаси эгаларига айирбошланадиган валютада нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини беради. Мазкур карталар билан зарур иш тажрибаси ортиргач, келажакда халқаро тўловлар тизимининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиш ниятидамиз.

— Мижозларнинг банк фаолиятига баҳо беришида биринчи ўринда тўловларнинг тўсиқсиз ўтиши масаласи туради. Бу йўналишда қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Бухгалтерия хизмати шу йўналишда фаолият олиб боради. Электрон тўловлар тизимини татбиқ этиш ҳисоб-китобларни ўтказиш муддатини 15-20 дақиқагача қисқартириш имконини берди. Бунда маблағларнинг керакли жойга аниқ етиб бориши ва маълумотлар конфиденциаллиги кафолатланади. Банк татбиқ этган «Банк—Мижоз» технологияси мижозлар манфаатига хизмат қилади. У фойдаланувчиларга ўз маблағларини оператив бошқариш, улар тўғрисида маълум муддатда ишончли маълумот олиш имкониятини яратади. Ҳозирги даврда ҳисоб-китобларни ягона вакиллик ҳисоб варағи орқали ўтказиш бўйича иш олиб бормоқдамиз. Бу мижозларга тўловлар бўйича уларнинг топшириқномалари тўсиқсиз ижро этилишига қўшимча кафолатлар яратса, банк учун ресурсларни маневрлаш имкониятидир.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 29 мартдаги «Янги ташкил этилаётган субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига биноан фаолият кўрсатаётган ва ўз фаолиятини тўхтатган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақларини тартибга солиш ва ҳисобини юритиш бўйича ҳам ишлар амалга оширилди. Табиийки, бозор шароитида ишни юрита оладиган тадбиркорлар сараланиб қолади, ҳамма ҳам ўз ниятини амалга оширолмайди ва баъзан ташкил этилган фирма, бошқа тузилмалар ўз фаолиятини тўхтатади. Шундай қилиб, мазкур Фармон чиққандан бери 5 минг корхонанинг ҳисоб варағи ёпилган, уларнинг эгалари олти ой, савдо-воситачилик корхоналари бўйича уч ой муддат мобайнида молия-хўжалик фаолиятини олиб бормаганлар.

— Мамлакат Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги ҳаммага маълум Фармони акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор тадбирларни белгилаб берган. Банкда у қандай бажарилмоқда?

— Мазкур Фармонда кўрсатиб ўтилган қоидалар биз учун узоқ муддатли ҳаракат дастурига айланди. Акциядорлар йиғилиши янги таҳрирдаги уставни, бошқа ички банк меъёрий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, тасдиқлади. Банк ходимлари ёллашнинг шартнома шаклига ўтказилди. Банк Кенгашининг янги таркиби сайланди, унга акцияларнинг энг йирик пакети эгалари киритилди. Бугунги кунда Кенгаш бошқарувнинг тўла ҳуқуқли органи бўлиб, асосий масалаларни кўриб чиқади ва ҳал этади. Мана бугун ҳам Бошқарув ва аудиторлик хизмати унга навбатдаги ҳисоботни беришга тайёрланмоқда. Кенгашнинг раҳбарлиги, аъзоларининг бевосита иштирокида устав фондини ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Биз устав фондини 4,5 млрд. сўмга етказишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Шу мақсадларда 2,4 млрд. сўмлик янги эмиссия проспекти ишлаб чиқилиб рўйхатдан ўтказилган. Ташвиқот-тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз.

Айтиш керакки, фойдалилик, ишончлилик, дивидендларни ўз вақтида тўлаш «Ўзсаноатқурилишбанк» акцияларини аҳолининг бўш маблағларини жойлаштиришнинг мақбул усулларидан бири сифатида кўрсата олди. Шу тарика, 1997 йил якунларига кўра, дивиденд тўлашдан ташқари олинган даромад ҳисобига барча акцияларнинг номинал қиймати 1,5 баравар оширилди. 1998 йил учун оддий акциялар бўйича уларнинг ўсган қийматидан келиб чиқиб, 40% ва имтиёзли акциялар бўйича 50% ҳисобидан дивиденд тўланди. Жорий йилда имтиёзли акциялар бўйича дивидендларнинг бўнак тўлови амалга оширилади. Бир йил ичида аҳоли маблағлари ҳиссасининг 17,8 дан 20 фоизга ўсгани ҳам банкимизга бўлган ишончнинг ошганлиги далолатидир.

Акциялар юридик шахслар, йирик ва у қадар катта бўлмаган корхоналар ўртасида ҳам харидоргир. Банк акцияларига чет эллик потенциал инвесторлар ҳам қизиқиш билдирмоқдалар. Банк акциядорлар муаммоларини ҳал этиш бўйича ғамхўрлик қилади. Акцияларни расмийлаштириш ва олишнинг осонлаштирилганлиги сабабли қисқа муддат ичида унинг эгаси бўлиш мумкин. Расмийлаштириш бўйича барча харажатларни банк ўз зиммасига олади. Тошкент шаҳрининг барча туманлари, Қорақалпоғистон республикасининг йирик шаҳарлари ва вилоятларда жойлашган 46 филиалимизда харидорларга банк акциялари тўғрисида батафсил маълумотлар тақдим этилади. Айтмоқчи, акциялар тез сотиладиган актив ҳисобланади. Сиз ҳеч бир муаммосиз уларни бировга топширишингиз ва туҳфа қилишингиз мумкин.

Фармон қоидаларига биноан кредит бериш ва уларнинг қайтарилишини таъминлаш масъулияти оширилган. Бу масалаларни Банк кенгаши доимо назорат этиб туради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги 24-рақамли қарорига биноан бир қатор корхоналарнинг қарзларини қайта кўриб чиқиш амалга оширилмоқда. Ўтказилган тадбирлар ҳисобига қарздорлар билан ҳамкорликда маблағлар излаб топилиб, илгари муаммоли ссуда ҳисобланган 507 млн.сўмдан кўпроқ қарз сўндирилди. Бу йўналишдаги ишлар давом эттирилаяпти.

Бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, ҳужжатлар ва иш жараёнини жаҳон андозалари талабларига яқинлаштириш бўйича иш олиб борилмоқда. Бу масалада биз Жаҳон банки маслаҳатчиси хизматларидан фойдаландик. Ҳозирги кунда Норвегия ҳукуматининг гранти чегарасида хорижий валютада кредитлашни ривожлантириш бўйича маслаҳат ёрдами олмоқдамиз. «Tacis» банк маслаҳат хизмати билан ҳамкорликда тажриба тариқасида тузилма ишлаб чиқилиб, у Ҳамза филиалида татбиқ этилмоқда.

— Суҳбатимиз ниҳоясида банк соҳасидаги рақобат ривожланаётган шароитда банкнинг барқарор ишлаши учун нималар қилинаётганлиги тўғрисида билишни истардик?

— Банкнинг келажаги Президентимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги нутқида таъкидланган иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш вазифаларига мувофиқ тарзда ўз фаолиятимизни қанчалик қайта ташкил этишимизга боғлиқ. Шунинг учун биз банкнинг молиявий мустақиллиги, қўшимча акциядорлик капиталини жалб этиш, мижозларга кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш, янги банк маҳсулотларини ўзлаштириш борасида иш олиб бормоқдамиз.

Устав капиталимизда давлатнинг тўғридан-тўғри инвестициялари йўқ, аммо тўлиқ ҳажмда ёки қисман унга тегишли корхоналарнинг ҳиссаси анчагина. Шунинг учун хусусий шахслар, тадбиркорлар, акциядорлик жамиятларининг жалб этилган маблағлари ҳажмини ошириш, собиқ давлат корхоналари-ҳозирги акциядорларнинг мулкчилик шаклини ўзгартириш йўли билан биз хусусийлаштириш жараёнини олиб бормоқдамиз. Корпоратив бошқарувни мустаҳкамлаш шароитида хусусий инвесторларнинг банк ишига кўрсатаётган таъсири сезиларли даражада бўлмоқда. Бу йўналишдаги ишларни давом эттирмоқдамиз, бундан ташқари хорижий инвесторларни излаяпмиз.

Банкимиз равнақини бозор муносабатларини қенгроқ татбиқ этиш шароитида мамлакатдаги барча банк ҳамжамиятининг ривожланиши билан ўзаро боғлиқликда, хусусан валюта бозорини эркинлаштиришда деб биламиз. Шунга кўра банклар фаолияти устидан ортиқча назоратни бартараф этиш, яхшилаб ўйланган ва оқил фаолиятни рағбатлантирувчи пруденциал назорат тизимини шакллантириш бўйича Марказий банк қабул қилган тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз. Жаҳон андозаларига мослаштирилган тарзда янгиланган Марказий банк меъёрий ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ва регулятив ҳисобот сифатини келгусида яхшилаш, активларни диверсификациялаш ва оқилона жойлаштириш билан юритиладиган фаолият бизга келгусида ҳам банкнинг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш имконини беради.

Бизнинг кадрлар билан олиб бораётган фаолиятимиз ҳам шунга йўналтирилган. Мутахассислар тайёрлаш учун сарфланган қўйилмалар пул маблағларидан оқилона фойдаланишнинг энг яхши усули эканлигини яхши тушунамиз. Шунинг учун ҳар йили банк йўлланмаси билан ёш ходимларни Молия институти, банк коллежларига ўқишга юборамиз. Истиқболли ходимлар Банк Молия академиясига ўқишга юборилмоқда. Бундан ташқари мутахассислар малакасини оширишнинг турли шаклларидан фойдаланилади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Саида ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи Соҳибжон САЛИМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0532

Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 22.15
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83